



MILLIY TIKLANISH

40 (524) ● 2018 йил 3 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mf.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президентини Рам Натх Ковиндининг таклифига биноан 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари давлат таширифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни "Раштрапати Бхаван" саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат махфиялари янгради. Давлатимиз раҳбари фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мамлакатимиз ва Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Президенти ва Бош вазирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш анъаналар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини таъкидлади.

Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг қудратли давлат ва иқтисодий ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор қисматда.

Биз олий даражадаги учрашуларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръа-

тини юқори баҳолаймиз. Ишончим комилки, ушбу ташриф ва самарали музокараларимиз мамлакатларимиз стратегик шериклигини янги bosқичга олиб чиқиш имконини беради, деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги "Раж Гхат" ёдгорлигига ташриф буюриб, ҳинд халқининг миллий қахрамони Махатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг буюк раҳнамоси, "гандичилик" ғоясининг асосчиси. У ўз ватанининг миллий истиқлоли учун курашган ва Ҳиндистонда мустақамлачиликка чек қўйган инсон сифатида қадрланади. Махатма Ганди туғилган кун — 2 октябрь миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси унинг мамлакат ва халқи олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди.

Ҳайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тор

доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, ўзбек ва ҳинд халқларини тарихий ва маданий муштараклик боғлаб туради, стратегик шерикликни ривожлантириш ва кўплаб йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустақам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва ШҲТ доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа минтақавий ва глобал таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг икки мамлакат расмий делегацияла-

рининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирди.

Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатларининг асосий йўналишларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармоёси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориж капитали эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорағида Ҳиндистон сармоёси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимизда фаоллиги ошаётганидан далolatдир.

Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

2-бет

Карор ва ижро

ТУРИЗМ — СЕРДАРОМАД СОҲА МАМЛАКАТИМИЗДА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Туризм соҳаси дунё иқтисодиётининг энг тез ривожланиб бораётган ва сердаромад соҳаларидан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилати маълумотига кўра, бугунги кунда халқаро туризмдан кўрилаётган фойда 1 триллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилмоқда. Сайёҳлар сони эса 1 миллиарддан зиёд ва бу кўрсаткич ҳар йили 5-6 фоизга ошиб борапти. Шу боис кўплаб мамлакатлар мазкур соҳани янада тараққий эттириши, унда дунё талаблари даражасидаги инфраструктурани шакллантиришига ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу тармоқни ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Маълумки, юртимиз Буюк ипак йўлининг марказларидан бирида жойлашган ва тарихий обидаларнинг кўплиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринларда туради. Мамлакатимизда сайёҳлар бориши мумкин бўлган кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлар бор ва бир неча шаҳарларимиз ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

5-бет

Депутатлар — ижтимоий тармоқларда

ЭРКИН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ҲАМ ДЕПУТАТ, ҲАМ АҲОЛИГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ

Бугун ахборот коммуникация технологиялари имкониятлари кенгайиб, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Жамиятимизнинг деярли ҳар бир жабҳасида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга эҳтиёж, зарурат сезамиш ёхуд баъзан уларни ишимиз ҳам вақтинча тўхтаб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Бу борада тараққийнинг илғор воситаси — Интернет тармоғи, унинг имкониятлари бизга янада яқин кўмакчи бўлиб бораётганини қайд этиш жоиз. Айниқса, ижтимоий тармоқлар бугун кенг жамоатчиликнинг ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиши ва эркин мулоқот майдонига айланиб улгурди. Ким, қайси соҳа вакили, ёш ёки кекса бўлишидан қатъий назар, кўпчилик Интернет оламидаги "майдон"ларнинг доимий ва фаол фойдаланувчисига айланиб бораёттир.

Бу борада халқ вакиллари ҳам ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифалари орқали мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ижтимоий соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириб бораётгани эътиборга молик. Айниқса, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқаролар билан онлайн мулоқот қилиш, уларнинг муурожаатларига тезкор жавоб қайтаришда ижтимоий тармоқларнинг имкониятлари депутатларга қулайлик яратади.

2-бет

Аччиқ, аммо очик гаплар

ДАНАК ГАВҲАР БИЛАН ЧАҚИЛМАЙДИ ЁХУД АЙРИМ БОСМА НАШРЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Бир мактабдошим бор эди. Паст баҳога ўқиса ҳам синф сардори бўлиш учун отасини ё амаки-ю, тоғаларини орага тиқиштирарди. Унинг ўзига тўқ қариндошлари мурғак эсианини "ўстириш" мақсадида вақти-вақти билан устозларга дастурхон ёзиб ҳам турарди. Бироқ шунча кўллаб-қувватланишга қарамай, эркатой эсиан болалар билан муштлашибми, ё қизларни ранжитибми, тез-тез "қовун тушириб", синф сардорлигини топширишга мажбур бўлар, ростки, аввал бир йўлини қилиб эришган "кичик мартабача"си ортиқча юк эканини ўзи ҳам англагандай туюларди.

Ахир иккичилару шумтакаларни тартибга чақирадиган сардорнинг айнан ўзи иккичи-ю тўполончи эди-да. Феълидаги амалпарастлик иллати уни кексайиб оламдан ўтгунича ҳам тарк этмади. Бирор мансабни қўлга киритиш учун борини тикиб юборар, бироқ, кўп ўтмай, қандайдир муаммо чиқариб эгаллаган курсисини ташлаб кетарди.

Хизмат сафари билан туғлиб-ўсган қишлоғимга борсам, камида осмондаги ойни кўз остига олиб юрадиган ҳалиги танишим қариганда маҳалла раиси бўлибди.

— Ҳе, ордона қолсин, иш эмас экан, топшираман, кимнинг газига дори бўлса олсин! — дея чапаничасига ҳасратланди.

— Ҳа, отахон, маҳалла оқсоқоллиги ўз номи билан сиздек мўйсафидларнинг жойи эмасми?

5-бет

Муаммолар илдири даволанса...

ВАЗИФАЛАР ВАҚТИДА ВА ТўЛА-ТўКИС ҲАЛ ЭТИЛИШИ СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон ўзининг бой тарихига эга. Шу эҳтиётдан заминимизда туризмни ривожлантиришнинг аҳамияти жуда катта. Йилдан-йилга сайёҳлар сонининг ортаётганлиги эса халқимизнинг ўтмишидан, бой тарихидан дарак берувчи маданий мерос объектларига бўлган эътиборни янада кучайтиришни талаб этади.

Бугунги кунда юртимизда 7,5 мингга яқин моддий-маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 минг 300дан ортиғи археологик, 2 мингга архитектура, 700га яқини маҳобатли санъат асари, 400га яқин диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция доирасида Хива, Бухоро, Самарқанд ва



Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари билан 2017 йилда Бухоро ва Хива шаҳри-

нинг тарихий марказларига "Алоҳида муҳофаза этиладиган тарихий-маданий ҳудуд" мақоми берилди.

Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганлиги эса маданий мерос соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва мос эканлигини намоён этади.

Дарҳақиқат, юртимиздаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш, уларнинг чегаралари ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш ишларига кўмаклашиб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари сирасига киради.

4-бет

Ушбу сонда:

ТАДБИРКОРЛИК ИШТИЁҚИ СўНМАСА БАС БУНГА "SAMSUNG" КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛ БўЛА ОЛАДИ



7-бет



КАППАДОКИЯ — ЕР ОСТИ ШАҲАРЛАРИ ЎЛКАСИ

7-бет

MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқин!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

< Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Музокарада савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

Бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф ўзаро манфаатли ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янги суръат бахш этиши таъкидланди. Бунда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокаралар якунида имзоланган ҳужжатларни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Кўшма баёноти қабул қилинди.

Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик

тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Аънавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Очқиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустақамлаб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро савдода преференциялар кўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазири.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилда асарлар тўпламини совға қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Сваражни қабул қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг интилиши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифига тайёргарлик кўришда Свараж хонининг хизматлари катта эканини қайд этар экан, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз

ўртасидаги аънавий дўстона муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венкай Найдунни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари "Раштрапати Бхаван" саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унда эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Нью-Дехли — Тошкент

Депутатлар — ижтимоий тармоқларда

< Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан сайланган турли даражадаги депутатлар ҳам ижтимоий тармоқларда кўп масалалар борасида ўз сўзини айтмоқда, муайян масала юзасидан жамоатчиликнинг фикр ва қарашларини шакллантиришга, юртимиз ҳаётидаги қизгин жараёнларга ўз муносабатини билдириш баробарида уларни тармоқлар фойдаланувчилари орасида тарғиб этишга ҳисса қўшаётир.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Нодир Мухторов Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитасининг "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликдаги конференцияси ҳақида хабар қолдирган. Унда айтилишича, конференция БМТнинг 15 сентябрь — Халқаро демократия кунини доирасида "Ахборот очқиллиги ва демократия" мавзусида ташкил этилган. "Конференция давомида иштирокчилар давлат органлари томонидан бюджет параметрлари ижроси билан боғлиқ маълумот ва ахборотларнинг юқори даражадаги очқиллигини таъминлашга қаратилган депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Таъбир давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллиги тўғрисида"ги қонун талабларининг ижроси мониторинги якунлари эълон қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 2018 йил 1 июль ҳолатига кўра "Очқиклик индекси" рейтингини маълум қилинди".

"Ушшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари уйғунлашган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг келуси имкониятлари давлатимиз раҳбари томонидан юқори баҳоланди". ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммити, унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иштироки ва нуқти мазмуни хусусида ўз муносабатини билдирган.

"Президентимизнинг сиёсий иродаси, очик ва амалий ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият ўзгарди, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар мустақамланди: "Мамлакатларимиз долларб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда", деди Шавкат Мирзиёев. Масалан, мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми охириги бир йилда 40 фоиздан зиёд ошган. Бу



кўрсаткичлардан анча юқори марраларга эришиш мумкинлиги таъкидланди, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтилди. Аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, етакчи санаот корхоналари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ҳозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёرمиз", деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон аъзо бўлган ушбу тузилма саммитида фахрий меҳмон сифатида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида халқларимизни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадрият ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, бугунги кунда Кенгашининг сиёсий кун тартибида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини қайд этди. Депутатнинг мазкур жараёнга муносабати, ўз навбатида, саммит моҳиятини очиб бериш ва тарғиб этишга хизмат қилади.

Республика Маънавият тарғиботи маркази раҳбари Алишер Қодиров Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси орқали ҳам ЎзМТДП ғоя-мақсадларига, ҳам марказ фаолияти ва вазифаларига ҳамоҳанг тарзда маънавият, маънавияти юксак авлодни тарбиялаш, жамиятнинг маънавий илдизаларини мустақамлаш каби долзарб масалалар хусусида мунтазам ўз фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий ўрганишларини улашиб боради.

"Жамиятимизнинг адолатли ва фаровон бўлиши жамият аъзоларининг қандай ва қимлардан иборат бўлишига боғлиқ. Ҳеч қим рад этмайдиған ҳақиқат: инсон маънавияти, энг аввало, унинг қандай инсон эканлигини белгилайди. Инсон тоифаси ўзи қандай бўлади? Диний, илмий, дунёвий ўлчовларнинг барчаси эътироф этадиган умумий сифатлар асосида маънавиятли инсон образи бор. Маънавиятсиз инсон ҳам мавжуд, унинг ҳам ўз ўлчови ва қарашлари бор. Муқаддас динимизда айтиб ўтилганидек, уларнинг яратилишида ҳам маъно-мақ-

сад бор, бироқ ҳисоб-китоби бандасига буткул берилмаган. Бизни ўйлантираётган масала — маънавиятли жамиятни барпо этиш учун нима қилиш керак? Кўпчилик олимларнинг маълумоти билан бизнинг маънавий тилда изҳор қилишимиз керак? Шусиз ҳам Навоий, Бобур, Абдулла Ориф, Эркин Воҳид ижод қилган, ардоқлаган тилчимизни кўп хўрладик-ку!"

Бу каби фикр-мулоҳазаларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Демак, бундан кўриниб турибдики, шаҳарларимизда "I love..." шаклидаги лавҳалар ўрнатилиши кўпчиликка маъқул эмас. Бундай лавҳалар ўз тилимизда ёзилиб, миллийлигимизни ифодаласанига, ўзини оқлайди.

Аслида оммавий тилдаги бундай лавҳа ("I love QARSHI") жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида ижтимоий тармоққа жойлаштирилган экан. Тегишли мутасаддиларнинг хабар беришича, ижтимоий тармоқда юқоридаги каби муносабат ва фикрлар акс-садоси ўлароқ, ушбу лавҳа айни пайтда театр биноси ёнидан олиб ташланбди...

Депутат Олимжон Ўсаровнинг ўз саҳифасида жойлаштирган "Ўзбекистон — кексаларни ардоқловчи мамлакат" сарлавҳали кўйидаги маълумотни ўқиб, очиги, қувондики.

"Яқинда дунёга машҳур "AgeWell" нашрида ёши улуг инсонларга ҳурмат даражаси аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаси эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон қарияларни эъозловчи мамлакатлар орасида етакчи деяр эътироф этилди.

101 мамлакатдан 150 минг фуқаро иштирок этган сўровномада мамлакатимиздан сўнг Венгрия қайд этилган. Кейинги ўринларни Туркия, Руминия, Қозоғистон ва Покистон эгаллаган. Илмий тадқиқот давомида инсон кексалликда ўзини қандай ҳис этиши инобатга олинган. Кузатув жараёнида кексалик даврига нисбатан ижобий муносабатда бўлган кишиларнинг узок умр кўриши даражаси бошқаларга нисбатан юқори эканлиги ҳам ўз исботини топган.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда дунё аҳолисининг 8,3 фоизини кексалар ташкил қилади. 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 15,8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, сўровномада қатнашган 57 мамлакат қарияларнинг 60 фоизи кексаларга ҳурмат паст даражада эканлигини айтган".

Инсон табиятан янгиликка интилади. Ҳар бир кишини янги ахборот ёки маълумот нафақат қизиқтиради, балки уни бировга етказиш, атрофдагиларнинг фикрини билиш табиятимизга хос. Бугунги даврда ижтимоий тармоқлар аънавий оммавий ахборот воситалари билан чамбарчас боғланиб, биргаликда ривожланиб борар экан, уларнинг имкониятларидан ЎзМТДП вакиллари ҳам кенгроқ ва самаралироқ фойдаланишга интилаётгани диққатга сазовор. Зеро, ахборот маконидаги хабарлар ва янгиликларни кузатиб бориш, зарур ҳолатларда ижтимоий тармоқларда ахборот оқимларини тўғри йўлга солиш, юзга келаётган янги тенденцияларни тадқиқ этиш бугунги давр талабидир.

Инглизлар ўзбек тилида "Мен Лондонни яхши кўраман" деб ёзармикан, нима дейсиз? Агар илтимос қилсак-чи? Барибир "Йўқ"ми? Унда биз нега ўз шахримизни севиши-

ЭРКИН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ҲАМ ДЕПУТАТ, ҲАМ АҲОЛИГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ

Мизни ажнабий тилда изҳор қилишимиз керак? Шусиз ҳам Навоий, Бобур, Абдулла Ориф, Эркин Воҳид ижод қилган, ардоқлаган тилчимизни кўп хўрладик-ку!"

Бу каби фикр-мулоҳазаларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Демак, бундан кўриниб турибдики, шаҳарларимизда "I love..." шаклидаги лавҳалар ўрнатилиши кўпчиликка маъқул эмас. Бундай лавҳалар ўз тилимизда ёзилиб, миллийлигимизни ифодаласанига, ўзини оқлайди.

Аслида оммавий тилдаги бундай лавҳа ("I love QARSHI") жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида ижтимоий тармоққа жойлаштирилган экан. Тегишли мутасаддиларнинг хабар беришича, ижтимоий тармоқда юқоридаги каби муносабат ва фикрлар акс-садоси ўлароқ, ушбу лавҳа айни пайтда театр биноси ёнидан олиб ташланбди...

Депутат Олимжон Ўсаровнинг ўз саҳифасида жойлаштирган "Ўзбекистон — кексаларни ардоқловчи мамлакат" сарлавҳали кўйидаги маълумотни ўқиб, очиги, қувондики.

"Яқинда дунёга машҳур "AgeWell" нашрида ёши улуг инсонларга ҳурмат даражаси аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаси эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон қарияларни эъозловчи мамлакатлар орасида етакчи деяр эътироф этилди.

101 мамлакатдан 150 минг фуқаро иштирок этган сўровномада мамлакатимиздан сўнг Венгрия қайд этилган. Кейинги ўринларни Туркия, Руминия, Қозоғистон ва Покистон эгаллаган. Илмий тадқиқот давомида инсон кексалликда ўзини қандай ҳис этиши инобатга олинган. Кузатув жараёнида кексалик даврига нисбатан ижобий муносабатда бўлган кишиларнинг узок умр кўриши даражаси бошқаларга нисбатан юқори эканлиги ҳам ўз исботини топган.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда дунё аҳолисининг 8,3 фоизини кексалар ташкил қилади. 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 15,8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, сўровномада қатнашган 57 мамлакат қарияларнинг 60 фоизи кексаларга ҳурмат паст даражада эканлигини айтган".

Инсон табиятан янгиликка интилади. Ҳар бир кишини янги ахборот ёки маълумот нафақат қизиқтиради, балки уни бировга етказиш, атрофдагиларнинг фикрини билиш табиятимизга хос. Бугунги даврда ижтимоий тармоқлар аънавий оммавий ахборот воситалари билан чамбарчас боғланиб, биргаликда ривожланиб борар экан, уларнинг имкониятларидан ЎзМТДП вакиллари ҳам кенгроқ ва самаралироқ фойдаланишга интилаётгани диққатга сазовор. Зеро, ахборот маконидаги хабарлар ва янгиликларни кузатиб бориш, зарур ҳолатларда ижтимоий тармоқларда ахборот оқимларини тўғри йўлга солиш, юзга келаётган янги тенденцияларни тадқиқ этиш бугунги давр талабидир.

Мухтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўрик-танлов

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг томонидан ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, навиқрон авлод онгига чуқур сингдириш, ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек миллий маънавиятининг ривожланишида Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш ҳамда халқ таълими тизимида жонбозлик кўрсатаётган она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларини рағбатлантириш мақсадида "Навоий ворислари" кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Айни кунларда ушбу кўрик-танловнинг туман босқичлари ўтказилаётир.

"НАВОЙ ВОРИСЛАРИ" САРАЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Учтепа ва Сергели туман босқичлари муваффақиятли якунланди.

Кўрик-танловда иштирокчилар "Энг кўп ғазал ёд олиш", "Ғазални беҳато ва ифодали ўқиб бериш" ва "Ғазал матнининг насрий баъни (ёзма шарҳини яратиб олиш)" ҳамда "Ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаб бера олиш" каби шартлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

Чилонзор туманидаги 200-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган танловда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши, халқ таълими туман бўлими, халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Тадбирга тумандаги жами 29 мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари жалб қилинди, иштирокчиларнинг аксарияти Навоий ғазалларидан 30 тасини аруз вази талаблари асосида ифодали ўқиб, савол-жавоб ва бадиий чиқишлар кўригидан муваффақиятли ўтди. Натижада 183-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулоробегим Фулмова энг юқори балл тўплаб, ғолибликни кўлга киритди. Унга танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди. Шунингдек, намунали иштирок этган ўқувчилар ва уларнинг устозларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкил этаётган мазкур кўрик-танлов буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони, Ўзбек мумтоз адабиёти ва тилининг асосчиси, давлат арбоби Алишер Навоийнинг бой ижодий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди тумандаги 183-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Наргиза Муҳаммадиева. — Навоийни ҳар кун ўқиш керак, деган гап бежиз айтилмаган. Унинг асарларига вафқ қилинган имон, эътиқод, юртга садоқат, инсонийлик хислатларини ёшларимиз онгу шуурига сингдириш ҳар биримизнинг кундалик вазифамизга айланиши керак.

Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида бўлиб ўтган "Навоий ворислари" кўрик-танловига ҳудуддаги 81-умумий ўрта таълим мактаби мезбонлик қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Учтепа туман кенгаши "Ёшлар қаноти", халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда она тили ва адабиёт ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташаббуси билан яхши аънавага айланган мазкур кўрик-танлов буюк кун ёшларини ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси бўлган ботқоқ-нимиз ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганишларида муҳим аҳамиятга эга, — дейди халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ойбек Раҳмонбердиев. — Навоий меросини ўрганиш орқали ёшларда ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуси шаклланади. Бу каби танловларнинг мунтазам ўтказилиши эса миллий маънавиятимиз ривожидида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Танловда туманда жойлашган 30 мактабдан бир нафардан она тили ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда бир нафардан намунали ва аълочи ўқувчилар иштирок этди. Улар ҳам белгиланган шартлар асосида куч синашди. Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати умумий баҳоларни эълон қилди, фахрли ўринни эгаллаган танлов ғолиби ва совриндорлари ҳамкор ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Биринчи ўринни эгаллаган 203-мактаб ўқувчиси Мадина Ваҳобжоновага эса Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиши учун йўлланма берилди. Кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари давом этмоқда.

У. УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маҳаллий Кенгаш депутати фаолиятидан

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

“Бугун биз, депутатлар учун барча имкониятлар мавжуд, фақат депутатлик масъулиятини чуқур ҳис этиши, унинг ваколатларидан самарали фойдаланиши, ташаббускор бўлиши талаб этиляпти”.

Бу — халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси гуруҳи аъзоси Лола Эгамованинг сўзлари...



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида айрим ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари каторида ЎзМТДП Ғаллаорол туман кенгаши фаолиятида ҳам сусткашликларга йўл қўйилаётгани, халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар фаолияти қониқарли эмаслиги алоҳида тилга олинди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурларининг ижросини таъминлашга хисса қўшиш барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди.

Танқиддан тўғри хулоса чиқарган ЎзМТДП Ғаллаорол туман кенгаши Пленумда қўрилган масалалар ижросини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш, ана шу йўналишдаги ишларни янада юқори bosqichga кўтариш мақсадида ўтган даврда йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиб, ечимини қўйиб турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қарата бошлади. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсик бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш, дастурлар ижросини таъминлаш, “Депутат билан юзма-юз”, “Сайёр қабул”, “Уйма-уй” лойиҳаларини амалга ошириш чоралари кўрилди. Аҳоли муурожаатларига депутатлик сўровлари, доимий комиссияларга таклиф қилиш орқали ечим топилаётди.

— Пленумда алоҳида қайд этилганидек, асосий эътиборни натижадорлик ва амалий ишларга қаратаёلمиз, — дейди ЎзМТДП Ғаллаорол туман кенгаши етакчи мутахассиси Жўшқин Раббимов. — Хусусан, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бера бошлади.

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси гуруҳи аъзоси Лола Эгамова сайловчилар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган халқ вакиллари билан бири унинг сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган сўзларини ўз шиорига айлантирган депутат “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида тумандаги Самарқанд маҳалласида бўлганида фуқаро Ҳайдар Пардаев уйининг таъмирталаб, оиласи эса моддий жиҳатдан анчайин қийин аҳволда эканини айтиб, ушбу масалада амалий ёрдам сўраб муурожаат қилди. Депутат дарҳол ушбу масала юзасидан туман ҳокими ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашига депутатлик сўрови юборди. Натижада муурожаат ижобий ҳал этилди: хусусий тадбиркор Алишер Эгамов ҳомийлигида Ҳайдар Пардаев яшаётган уй таъмирлаб берилди.

— Депутатларнинг хонадонимизга келиб самимий суҳбатлар ўтказиётгани, муаммоларимизни тинглаётгани бизни жуда қувонтирди, — дейди Ҳайдар Пардаев. — Мулоқот жараёнида оиламизни анчадан буён ташвишлантираётган муаммо — уйимиз анчайин таъмирталаб бўлиб қолганини айтдик. Депутат Лола Эгамова оилавий шароитимизни ўрганиб, ҳокимият ва бир қанча ташкилотларга бориб ҳам ечимини топмаган масаламиз тез орада ҳал қилинди.

Эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам депутатнинг доимий эътиборидаги масалалардан. Шу боис уйма-уй

юриш орқали эҳтиёжманд оилалар муаммоларини аниқлаш, улар тўғрисидаги маълумотлар электрон базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, тумандаги Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинида оилалар уч ўғли билан бир ҳовлида истиқомат қилаётган Зиёдулла Назаров кам таъминланган оилалар учун бериладиган имтиёзли кредит сўраб муурожаат қилган. Халқ вакилининг муурожаатидан сўнг туман

ҳокимлигидан ижобий жавоб олинди. Зиёдулла Назаров 2019 йилги имтиёзли кредит олувчилар рўйхатига киритилди. У бу маблағ эвазига ўғиллари учун уй-жой қуришни ният қилган.

— Оилалар фарзандларимга янги уй қуриш масаласи моддий етишмовчилик туфайли ҳал бўлмай келаётган эди, — дейди Зиёдулла Назаров. — Депутатнинг кўмаги билан ўшбу муаммо мулоқот бўлиб ўтган кундан кўп ўтмай ҳал бўлди. Шундай халқчил сиёсат олиб бораётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Самарқанд маҳалласи Меъмор кўчасида яшовчи Зулайхо Ҳолиқназарованинг ҳам муурожаати эътибордан четда қолмади. Гап шундаки, турмуш ўртоғи вафот этган аёл моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, вояга етган фарзандини иш билан таъминлаш борасида ёрдам сўраган. Айни пайтда мазкур масала бўйича ҳам депутатлик сўрови юборилган бўлиб, муаммо ижобий ҳал бўлиш арафасида.

— Аҳолидан тушаётган муурожаатларнинг аксарияти кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ, — дейди депутат Лола Эгамова. — Кимдир ишга жойлашми, кимдир нафақа пулини олиш, яна бошқаси тадбиркорлик фаолиятида дуч келган муаммо юзасидан муурожаат қилади. Лекин депутат учун масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Чунки ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирини бор. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиб, имкон қадар ҳал этишга ҳаракат қилаёلمиз. Зеро, бугунги давр фаолиятимизни тубдан кучайтиришни талаб этмоқда. Бу иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, янгича тартибда ишлаш деганидир.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги партия гуруҳининг “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида ўтказиётган учрашуларда фуқаролар томонидан қилинган муурожаатлар асосида ҳудуддаги ишсизлик, коммунал хизматлар ва инфратузилма билан боғлиқ муурожаатлар, электр энергияси, газ, сув, транспорт, арзон уй-жойлар қуриш, тиббиёт ва ободонлаштириш соҳасидаги муаммолар аниқланиб, ҳал этилмоқда.

Тўғри, муаммолар етарли, лекин барчасининг ечими бор. Бироқ баъзан оддийгина муурожаатнинг тегишли ташкилот томонидан ҳал этилмаслиги туфайли фуқаролар оилаб овера бўлаётгани ҳам рост. Шу ўринда айнан шу жиҳатга яъни бундай муаммоларнинг ҳал этилмаслиги сабабларига тўхталаями.

Айтилиши, сўнгги уч ой мобайнида халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари фуқаролар муурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга 10 депутатлик сўровини киритган. Бироқ уларнинг аксариятига жавоб хати берилмагани таассуфланарлидир. Масалан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига юборилган муурожаатларнинг жавоби ҳалигача пайсалга солиб келинаётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бунинг оқибатида Ғаллаорол туманидаги Самарқанд маҳалласи Зилол кўчасида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлари Маҳмуд Жониқулов ордерсиз, Шухрат Уролов зарур дори-дармонларсиз қолаётганини тиббиёт соҳаси мутасаддилари билармикин?

Маҳаллий Кенгаш депутатлари, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларидан ҳабардор бўлишга, ҳар бир муурожаатни чуқур ўрганиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга интилади, айрим мутасадди ташкилотларнинг уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрмасдан депутатлик сўровларига бефарқ қараётгани ачинарлидир. Шундай экан, аҳоли муурожаатларининг ҳал этилиши бу жараёнда иштирок этувчи барча субъектдан юксак масъулият ва профессионал ёндашувни талаб этади. Зотан, давр шуни талаб қилмоқда.

**Шоди ОТАМУРОД,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Сайёр қабул

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят кенгаши ҳамда Шаҳрихон туман партия ташкилоти ҳамкорлигида “Бўстон”, “Эшон қишлоқ” ва “Жўжа” маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари учун сайёр қабул ташкил этилди.

Унда ЎзМТДП вилоят, туман кенгашлари фаоллари, туман ҳокимлиги, адлия, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинимасидан вакиллар иштирок этдилар.

— Вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудда доимий равишда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда, — дейди партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Ботиржон Курбонов. — Учрашуларда, энг аввало, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда. Шунингдек, қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитлари, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари юзасидан таклифлари ўрганилиб, кам таъминланган оилаларнинг таъмирга муҳтож уйлари ҳомийлар кўмагида жорий ва капитал таъмирлаб берилаётган. Сайёр қабулда фуқароларнинг йигир-



мага яқин муурожаатига жойида ечим топилди.

— Фарзанд тарбиясида нафақат оила, балки таълим муассасасининг ҳам катта ўрни бор, — дейди тумандаги “Жўжа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Раъно Назарова. — Айниқса, болаларимиз мактабга чиқишдан олдин боғча таълим-тарбиясини олиши жуда муҳим, боғчага борган бола илмга чанқоқ, мулоқотга киришувчан бўлади. Бироқ маҳалламизда боғча йўқлиги боис болаларимиз уйда қолиб кетишяпти. 3-4 боласи бор биз каби аёллар оила ташвишларидан ортиб, уларга тузукроқ эътибор қарата олмаётганимиздан қуноамиз. Шу боис маҳалламизда болалар боғчалари бўлишини хоҳлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш”

демократик партияси ташкил этган бугунги сайёр қабул учун миннатдорлик билдираемиз.

Туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари бу масалани тез орада ўрганиб чиқиши, таклиф тайёрлаб, албатта, ижобий ҳал этишга кўмаклашишни таъкидладилар.

“Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Умида Неъматованинг оиласи тумандаги кам таъминланган оилалардан бири. У уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга қийнаётганини, бу борада қонуний имтиёз ёки ёрдам бор-йўқлиги хусусида муурожаат қилди. Туман адлия бўлими вакиллари бу борада зарур ҳуқуқий маслаҳат берди. Тегишли ташкилотлар мутасаддилари томонидан бу масалага ечим топиладиган бўлди.

Сайёр қабулда банкдан кредит олиш, аҳоли бандлиги, пенсия ва нафақа таъминоти бўйича тегишли тавсиялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий кўмак берилди.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ахборот хизмати

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ САРМОЯ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА ЙГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН 1,5 МИНГДАН ЗИЁД МУАММО АНИҚЛАНГАН, УЛАРНИНГ 1 МИНГ 100ГА ЯҚИНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоъллари ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиши ва уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги bosqichga олиб чиқмоқда. Бу жараёнда банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юртишга доир билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури амалга ошириш бўйича Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ ҳамда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманларидан бошланган эди. Шу боис ўтган давр мобайнида мазкур ҳудудларда сезиларли ижобий ўзгаришлар, амалий ишлар олиб борилди ва бу изчил давом эттирилмоқда. Хўш, мазкур жараёнда ЎзМТДП партия ташкилотлари ва гуруҳларининг иштироки қандай бўлмоқда?

— “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида тизимли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман кенгаши фаоллари ва депутатлари ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда,

лаб-қувватлаш мақсадида тумандаги мавжуд 37 маҳалладаги барча хонадонга кириб, 27,5 мингга яқин ёшлар билан сўров ўтказдик. Ўрганишлар давомида уй-жойга муҳтож 167 нафар йигит-қиз аниқланди. Уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида “Жумагул”, “Уч чинор” маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлашган туман ҳокимлиги балансида бўлган икки бино ажратилиб, таъмирланди. Оила қуриш ёшида бўлса-да, бироқ тўй маросими ўтказиш учун имконияти бўлмаган ёшлардан 5 нафари, 27 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги яна бир



лик фаолиятини йўлга қўйиш, иш билан банд бўлиш истагини билдирган. Демак, ҳудудда ишлайман, ўз меҳнатим билан юртим ривожига муносиб хисса қўшаман, деган ёшлар қўллаб-қувватлаш мақсадида бу ечимни қўллашга тўғри топилади. Бу эса мазкур ташаббус бежиз Қуйи Чирчиқдан бошланмаганини ифода этади. Дастурдан келиб чиқиб, “Мингчинор”, “Балиқчи” ҳамда “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Yoshlar mehnat guzari” комплексини қуриш белгиланган эди. Бугун юқоридаги уч маҳаллада ҳам мазкур марказларни қуриш, ушбу ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари олиб борилаётган. Ушбу объектларда 58 йигит-қиз иш билан таъминланди.

Дастур доирасида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ташкил қилинмоқда. Тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган 60 йигит-қизга савдо мажмуаси, иссиқхона, баллиқчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишларда ўз фаолиятини бошлашлари учун 567 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Уларга зарур ер майдонлари берилиб, юқоридаги лойиҳаларнинг ишончлиги натижасида июнь-июль ойларида жами 1 минг 693 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди.

Ҳудудда йиллар мобайнида фойдаланилмаётган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай давлат объектла-

ридан 11 таси инвестиция киритиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида истисно тариқасида тадбиркорларга тўғридан-тўғри “ноль” харид қийматида берилди. Ушбу лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида 11,6 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 221 янги иш ўрни ташкил этилди.

Айни пайтда туман марказида “Yosh tadbirkorlar” қоворкин-маркази, маҳаллаларда “Болалар майдончаси”, замонавий типдаги стадион, боғча, китоб дўкони, қандолатчилик цехи ва бошқа ижтимоий соҳа объекти қурилиши ишлари давом этмоқда.

Ҳа, туманда бугун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий бўғинига айланган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида улкан бунёдкорлик ишлари қизгин паллага кирган. Аҳамиятлиси, мазкур жараёнда партия Қуйи Чирчиқ туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ҳудуддаги муассаса ва ташкилотларда тузилган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

**Умида ЭРГАШАЛИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири**



— дейди халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Суннатилла Абдухалиқов. — Партия кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан бирга ишни, аввало, ёшларнинг мулоҳазаларини, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишдан бошлади. Уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва тадбиркорликка бўлган интилишларини қўл-

ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Отабек Султонбеков билан суҳбатлашганимизда, ўрганишлар жараёнида ёшларни қийнаётган 1,5 мингдан зиёд муаммо аниқланганини айтди. Қувонарлиси, уларнинг 1 минг 100га яқини жойида ечим топган ва ҳал этилмай қолган муурожаатлар ҳам айни вақтда ўрганилмоқда. Шунингдек, партия ўтказган ижтимоий сўровларда ёшларнинг аксарияти ўз тадбиркор-

Сана

“МЕХР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН, УСТОЗЛАР...”

Дунёда касблар кўп. Хар бир касбнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Аммо шундай касб эгалари борки, уларни барча бирдек эъзозлайди, угуллайди. Бу — ўқитувчилик, муаллимлик касби. Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари ўзлари тахсил олган мактабларда бўлиб, таълим-тарбия берган устоз-мураббийларни байрам билан қутлади.



“Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг бугун эк, кўп йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, таълим-тарбия бер”. Донишманд халқимизнинг бу ҳикматли сўзлари инсон ҳаётида мактаб, устоз деган муқаддас тушунчаларнинг аҳамияти нақадар юксак эканлигини ифодалайди. Таълим-тарбия фидойилари эса оламга нур сочиб турган куёв каби орадан неча-неча йиллар ўтса-да, ҳаёт йўлларимизни мудом ёритиб туради. Мурғак қалбимизда улар ёққан тафаккур, илм учкунини тобора оловланиб, юрагимизни садоқат, ишонч, умид каби туйғулар билан иситади. Чиндан ҳам жонкуяр устозлар билим бериш баробарида инсон қалбига эзгулик уруғларини ҳам қадайдди, меҳр-оқибат, одамий-

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов Юнусобод туманида жойлашган 86-умумий ўрта таълим мактабига борди.

ЎзМТДП Марказий ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари ташаббуси билан ушбу мактабда ташкил этилган байрам тадбирида шеърлар куй-қўшиқларга уланиб, йиғилганларга хуш кайфият бағишлади. Унда фахрий устозлар қадрдон мактаб йиллари, ўқувчилари билан бўлган унутилмас, қизиқарли воқеаларни ёдга олди. Тадбирда партия раҳбари сўзга чиқди:

— Юртимизда ҳар йили 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кунининг кенг нишонланиши ҳам ушбу машаққатли касб эгалари

меҳнатининг юксак эътирофи, уларга билдирилган ҳурмат-эҳтиром ва эътибор намунаси, — деди С.Отамуратов. — Тараққиётнинг бугунги янги босқичида ўқитувчи касбининг ижтимоий мақомини ошириш, уларнинг меҳнатини қадрлаш ва қўллаб-қувватлашда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бир қанча қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар таълим тизимидаги туб ислохотларни амалга оширишда, соҳани янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Партияимиз дастурий мақсад-вазифаларида ҳам ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қилаётган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замондошларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида баён этилган. Таъбир жоиз бўлса, бундай инсонлар — сиз устозларсиз. Мана бугун сизлар берган сабоқ ҳаётимизда, фаолиятимизда асқотмоқда. Сизлардан бутун умр қарздоримиз, шогирдлар бахтига ҳаммиша соғ-омон бўлинг.

Байрам тадбирида ўқитувчи, мураббийлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Мен ўзбек миллатининг катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш каби хислатларини жуда қадрайман, шундай азиз дийрда яшаётганимдан фахрланаман, — деди 86-мактабининг

фахрий ўқитувчиларидан Любовь Хайлова. — Буни қаранг, орадан қанча йиллар ўтган бўлса-да, ўқувчиларимиз бизни унутмай, қўллари кўксига раҳмат айтиб, совғалар билан ёнимизга келишибди. Улар бугун жамиятимизнинг етакчи вакиллари бўлиб етишганидан ва бунда биз устозларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан қувониб, қўзларимга ёш келди. Бугун ҳам ушбу мактабда илгор ўқувчилар таълим-тарбия олмақда. Ишонамизки, улар ҳам анъанани давом эттирган ҳолда, давлат ва жамият манфаати учун муносиб ҳисса қўша оладиган шахслар бўлиб етишади.



Мактаб маъмурияти ҳамда устозларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Айниқса, мактаб кутубхонасига турли мавзуларни ўзида жамлаган адабиётлар тўплами, шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари хоналари учун инфекциялардан ҳимояловчи тиббий ускуналар тақдим этилгани барчани бирдек мамнун этди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммаджонова

байрам муносабати билан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 241-умумий ўрта таълим мактабига бўлди.

— Юрагига Ватан туйғусини жойлаган юртпарварлар, энг аввало, мактабда тарбияланади, шу боис ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш ҳар биримизнинг эзгу вазифамиздир, — деди Ф.Мухаммаджонова. — Орадан 20 йилдан зиёд вақт ўтиб, ўзим ўқиган мактабга келиб, биринчи ўқитувчим ва бизга сабоқ берган устозларимизни кўриб, болалигимга қайтгандек бўлдим. Ўша қадрдон мактаб йиллари кўз ўнгимда гавдаланди. Устозларим билан суҳ-

батларидан мамнунликларини билдирдим.

— Мактабимиз республика миқёсида ташкил этилган экспериментал мактаблардан бири бўлиб, ўқувчиларимизнинг деярли барчаси нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олган ва бу анъана давом этмоқда, — дейди 241-мактабнинг фахрий ўқитувчиларидан Салтанат Султонова. — Касбга садоқат қон-қонимизга сингиб кетганиданми, ҳозир ҳам сабоқ ўқувчиларимизнинг иши, фаолияти билан қизиқиб, уларга маслаҳатларимизни бериб келамиз. Улар муваффақиятга эришса, ҳаммадан кўп қувонамиз, меҳнатларимиз юзга чиққанини ҳис этиб, устоз бўлганимиздан фахр-ифтихор туямиз. Мактаб жамоаси ана шу юқори кўрсаткични сақлаб қолиши, кучайтириши, ўқувчиларни юксак марралар сари йўналтири олиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги тадбир фикр алмашиш, мактаб жамоаси олдида турган вазифаларни муҳофаза қилиб олиш учун ҳам имкон яратди.

Тадбир давомида Феруза Мухаммаджонова мактаб тарихини яратиб, ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи кўرғазмали бурчак ташкил қилиш, кутубхона фондига сабоқ ўқувчилар ташаббускорлигида китоблар тақдим этиб бориш анъанасини йўлга қўйиш ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Ўқувчиларни ҳаётда муваффақиятга эришиш учун мактабдаги вақтини унумли ўтказишга ва яхши ўқишга ундади.

Умида УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Муаммонинг илдизи даволанса...

ВАЗИФАЛАР ВАҚТИДА ВА ТўЛА-ТўКИС ҲАЛ ЭТИЛИШИ

СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу боис партия мамлакатимиз бўйлаб тизимли равишда барча маданий мерос объектларининг бугунги ҳолатини ўрганиб, таҳлил этиб келмоқда. Жорий йилнинг январь ойида ЎзМТДП Марказий кенгаши, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, вилоятлар маданият бошқармалари вакиллари ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, жойлардаги маданий мерос объектларининг аниқ ҳолати ўрганилди. Шу қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан тасдиқланган маданий мерос объектлари рўйхати асосида жойларга чиқиб ўрганишлар ўтказилди. Натижада жойлардаги мавжуд моддий маданий мерос объектларининг фотосуратлари олинди, тарихий илдизлари аниқланиб, уларга доир батафсил маълумотлар базаси яратилишига эришилди.

— Партия Марказий кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳ ҳудудлардаги моддий маданий мерос объектларининг бугунги ҳолатини ўрганишда, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Илхом Расулов. — 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда 2018 йил 16 январьдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиш ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жойлардаги жами 5 минг 287 моддий маданий мерос объекти ҳақида ҳудудлар кесимида фотоматериаллар ҳамда уларга доир босма маълумотлар Маданият вазирлигига, тўпланган маълумотларнинг электрон нусхаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг ижро ҳоқимиятида ҳар бир соҳанинг ўз мутасадди идораси бор. Маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, уларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, тарғиб



қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш, маданий мерос объектларини таъмирлаш, консервация, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш вазифаси Маданият вазирлиги зиммасига юклатилган. Шу билан бирга вазирлик уларнинг давлат кадастрини ва номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритади, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказди, муҳофаза ва тарғиб қилишни ташкил қилади ва амалга оширади.

Ҳўш, ана шулардан келиб чиққан ҳолда, вазирлик бугун ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни қай даражада амалга оширмоқда? Ўтмиши неча минг йилларга бориб тақаладиган юртимиз ҳудудидаги бебаҳо бойликларимиз — моддий маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи қай даражада?

Ўрганишлар давомида мавжуд моддий маданий мерос объектларининг 1 минг 700дан ортиғи, яъни 28 фоизгача ҳимоя зоналари, эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган кадастр ҳужжатларига эга эканлиги маълум бўлди. Ҳудудлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент вилоятида мавжуд 721 объектдан биттаси, Сирдарёда 67 тадан учтаси, Самарқандда эса 1 минг 626 тадан 256 таси кадастр қилинган, холос. Айрим тарихий обидаларнинг ҳанузгача эгаси аниқ эмас: бир объектига икки ташкилот эгалик қилмоқда. Қолаверса, белгиланган вазифалар қаторида ҳар битта объектининг менежмент режаси тасдиқлангани лозим. Аммо дунё аҳлини ўз маҳобати билан ҳайратга солиб келётган айрим ёдгорликларнинг менежмент режаси ҳали-ҳануз тасдиқланмагани таассуф-

ланарлидир.

Йиллар давомида қанчадан-қанча осори-атиқалар қўлдан-қўлга ўтиши оқибатида талон-тарож қилинган, айниқса, 259 объектига жиддий шикаст етган бўлса-да, мутасаддилар ҳамон безътиборлик билан сукут сақлашмоқда. Хусусан, Самарқанддаги энг қадимий иншоотлардан бири бўлмиш Афросиёб, Андижондаги Мингтепа, Юнус-

обод туманидаги Оқтепа ёдгорлигининг аниқ пайтдаги ҳолати бунга яққол далил. Қашқадарёда ҳам 10дан ортиқ объект талон-тарож қилинган маълум бўлди.

Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда яна бир ҳолат: маданий мерос объектларига бирлаштириб қурилган бинолар ҳам мавжуд бўлиб, улар тарихий обидалар ҳудудларининг ўзлаштирилиши оқибатида юзга келган. Масалан, Бухоро шаҳридаги Улуғбек мадрасаси ёнида икки қаватли совғалар дўқони фаолият кўрсатмоқда. Бунинг натижасида мазкур ноёб ва тарихий ансамблнинг умумий кўринишига зарар етган. Шу билан бир қаторда маданий мерос объектларининг ижарачилар томонидан мақсадли фойдаланишда муаммолар мавжуд. Айтилиши, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида жойлашган Сайид Оталик мадрасаси (XVII аср) объекти уч томонлама шартнома асосида ижарага берилган. Ҳозирги вақтда ундан омборхона сифатида фойдаланилмоқда, бу эса тарихий бинонинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари саъй-ҳаракати натижасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга жорий йилда 46,5 миллиард сўм ажратилди, аммо шу кунгача ушбу маблағнинг 17,5 миллиард сўми ўзлаштирилган, холос. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун ажратилган бюджет маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилмапти? Ҳудудларда эътиборсиз, хароба ҳолга келган маданий мерос объектларини таъмирлаш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, уларни кўркам туризм манзилларига айлантириш ишларига сарф

этилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда? Ҳолбуки, бундан бир неча йил аввал тарихий иншоот ва зиёратгоҳларни таъмирлашда маблағ йўқлиги вақт келиб кўрсатиларди. Аммо имконият яратилган аниқ пайтда бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Маданият вазирлиги ва унинг тасарруфидаги тегишли ташкилотлар талаб даражасида ҳаракат қилмаётгани ачинарлидир. Бу ўринда кўплаб объектларнинг смета ҳужжатлари кечикканлиги боис маблағлар ўзлаштирилмай қолгани ва яна бир қатор сабаблар рўқач қилиб кўрсатилиши мумкин. Аммо соҳа учун ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ошиб бораётгани фақатгина масъулият билан ишлашни, маблағдан мақсадли фойдаланишни талаб этади.

Ўрганишлар давомида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда ҳудудий инспекцияларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги аниқланди. Хусусан, ҳудудий инспекцияларда иш олиб бораётган ходимларнинг асосий қисми — номухтаassis. Айрим ҳудудларда тиббиёт коллежини тамомлаган ҳамшира ёки Тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб борган талаба (бундай мисоллар анча) бош мутахассис сифатида ишлаётганини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу борада фақат Хоразм ва Самарқанд вилоят инспекциялари ходимларининг асосий қисми мутахассислиги тўғри келиши аниқланган, холос. Бу эса ҳудудий инспекциялар фаолияти тизимли йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

2017 йил 22 декабрда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг бетакорр табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкинлиги, бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган. Шу ўринда маданий мерос объектларини ишончи қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Археологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва археологик топилмаларни сақлаш дастурини ҳам қабул қилиш лозимлиги айтиб ўтилган. Жорий йилнинг 22 февраль санасида эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган туризмни ривожлантиришга

бағишланган видеоселектор йиғилишида маданий мерос объектларига кириш тизимини такомиллаштириш, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиш, уларда туристларни қизиқтирувчи барча хизматларни йўлга қўйиш, зиёратчилик учун қулай шароитлар яратишга эътибор қаратилиб, бу борада имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, бир қатор зиёратгоҳлар қаровисиз аҳволда экани танқид қилиниб, бу йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Давлат раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келётган масалага мутасаддилар доимий назоратни кучайтирмас экан соҳада қоқоқлик ва ўзибиларчилик ҳукмронлигига қолаверсади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Маданият вазирлиги масъулиятини ошириш ва фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур. Шу билан бирга, Маданият вазирлиги ҳудудий инспекция раҳбарларига тизимга мутахассисларни жалб қилиш, ижро интизомини қоникорлик даражада йўлга қўйиш, реставрациялар мактабини очиб, соҳада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш, сон эмас сифатни ошириш, ҳар бир инспекцияда юрист штатини ташкил қилиш, моддий-техник база яхшиланишига эришиш сингари қатор вазифалар ижросини таъминлаш ва бу борада назоратни кучайтиришга эришмоғи лозим.

Мухтасар айтганда, маданий мерос объектларининг умрбоқийлигини таъминлашда эътиборни кучайтириш, келажак авлодга бус-бутун ҳолда етказиш долзарб масалалардан саналади. Ахборот технологиялари тараққий этаётган аниқ даврда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маданий мерос объектларини тиклаш-таъмирлаш бўйича қабул қилинган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, маънавийтимиз ноёб дурдоналарининг қонунга хилоф равишда бузилиши, талон-тарож қилиниши устидан назоратни кучайтириш орқали дунё ахли эътиборини қозониш, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ҳамда адолат тикланишига эришган бўламиз. Маданий мерос объектларини сақлаш, мавжуд тарихий ва маданий меросларимиздан мақсадли фойдаланиш, бу ўз навбатида юртимизда туризм, хунармандлик, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Аччиқ, аммо очик гаплар

Данақ Гавҳар билан Чақилмайди

Ёхуд айрим босма нашрлар фаолиятига бир назар



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Гапирасан-да, ҳали ҳоқимиятга мажлисга чоп, кимдир жанжаллашса мелиса излаб қолади, ҳали эр-хотин уришади, ҳали ака-ука томорқа талашади, яна қайсидир ғаламис “кам таъминланганлар қолиб қорни тўқларга нафақа тайинлабди”, деб устингдан ёзади. Қарабсанки, текшир-текшир, тафтиш... Дас-турхон ёзсанг, харажатларингни қаёқлардан чикариб олиш керак. Худди ёзда ёққан қордай қишлоққа ҳоқим-поким оралаб қолса, “нега одамлар ўзапоясини кўчага ғарамлаган? Тез олдир, йўқот!” деб ўшқиради... Бурун бир аламзада айтган экан: берганинг зигирча-ю, сўкчанинг тонг отгунча, деб. Э, бу адоқсиз ишлар мендай бобойлар тугул, қарчиғайдай йигитларнинг ҳам дабдаласини чиқаради!

— Сизни бу вазифага кимдир мажбурлаб ўтказдимми? — Нимасини сўрайсан, маҳаллага раис бўламан, деб югуриб юрган бир-икки аҳмоққа ҳасадим келиб, ўзим орага одам қўйиб, қўй сўйиб, шу дардисар амални сотиб олдим-да, э, гаранг бошимга тўқмоқ!..

Буларни эсламоқдан мурод шуки, баъзи-баъзида “мамлакатимизда фалон минг газета-журнал ва бошқа турдаги оммавий ахборот воситалари эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда”, дея кўксимизга уришдан олдин: “ўзи шу газета-журналлар зиммасидаги вазифаларни қойилмақом қилиб адо этияптими?” деб ўйлаб кўришимиз ҳам зарурга ўхшайди. Айрим газета-журналларни варақласангиз, беийтиёр тулми юқорида келтирилган “мансабсевар”нинг қилиқларини ёдимга солади. Шунчаки, “Одамлар кўриб қўйсин, энди мен ҳам бош муҳаррирман”, дея ҳавасаки газета чикараётганлар ҳам бор. Бундай ҳавас отига минганлар, эътибор тортиш мақсадида ўз нашрларига баланпарвоз номлар ҳам қўйиб олади. Аслида эса, аввало номга муносиб бўлмоқ даркор. Ана шундай нашрлардан бири “Навоий Матбуот Зиё” масъулияти чекланган жамияти муассислигида ойига икки марта чоп этиб келинаётган “Зулфияхоним” газетасидир. Ушбу нашрнинг бундай номланшидан ва низомида акс этган мақсадлари нима эди-ю, амалда нималар қилмоқда? Агар у шоира Зулфияхоним издошларини рубёга чикаришга бел боғлаган бўлса, нега мунтазам равишда ўртамайна ҳаваскорларнинг имловий хатолари фикр-ғиж машқларини эълон қилмоқда? Ёки изланиш, янгидан янги долзарб мақолалар ёзиш ўрнига миллий адабиётимиз намоёндаларининг асарларини кўчириб босиб билан машғул бўлиб қолаётганини нима билан изохлаш мумкин? Ва афсуски, уларни ҳам бениқсон, хато-камчиликлардан ҳоли деб бўлмайди:

Кун-кеча ёш эдик(?) ўзни бир қадар, Бузун-чи(!) балағат пайти ҳам етди... (Абдулла Орипов. “Йиллар армони” 29.12.2017й. 24(25)-сон.)

Газетанинг ушбу сониде Маърифат Шарипова деган муаллифининг “Қор оқшони ҳазили” деган қораламаси эълон қилинган. “Қораламаси” дейишимизга сабаб, унинг на рукни, на жанри бор. Унда ёзилишича, ёшлигида шўх-шодон бўлган Латофат исмли кампир, чоли Собир билан ҳазиллашгани келиб, уни “ёшлигимизни эслаб номозшомда бир сайр қилиб келайлик”, дея учрашувга таклиф этармишу, аммо қитмирлиги тугиб бормасдан чолини совуқда куттириб кўярмиш. Бунга отасининг рухсат бермагани бундан қилармиш... Ўзбекона шарм-ҳаёдан анча олис бўлган бу чучмал чўпчакка-ку бир амаллаб ўзимизни ишонтирган бўлардик, аммо ўтирик ривоят марказида турган расм бунга монелик қилди. Яъни, ўзбекона, миллий менталитетимизга мутлақо ётманзар: битта номсулмон жувфт: патақлаб кетган тўрвадек соч-соқоли яқин-орада ювиб-таралмаган винохўр чол-кампир тешиқулча еб, кофе ичганча гурунглашиб турибди. Бизнинг-ча, ўзини англаган ўзбек ижодкори ўз ижодида бундай бачканаликни раво кўрмаган бўлар эди.

Газетанинг 11(36)-сонидеги 8-саҳифада берилган Шахноза Қўлдошеванинг қафтдай ҳажмдаги мақоласида “хаёл” сўзи уч ўринда “хаёл” шаклида учрайдики, бундан муаллиф ҳам, ижодий жамоа ҳам алифбомизда “х” ҳарфи борлигидан беҳабармикин, деган хулосага борасиз. Ва умуман олганда, бу мақола қайси жанрга тортади — лавҳами, бадиами, билолмайси. Унда муаллиф дераза ортидан кўчани, одам оқимини кузата туриб шундай гўзал оламда ўзининг ҳам борлигидан чексиз қувонса, тагин “аммо

дунёда борлигим билинмай кетишидан жудалар (?) кўрқаман...” дея таҳликага ҳам тушади. Бундан кўра, луғатимизда “истироб” эмас, “изтироб”, “хусинкор” эмас, “хусинкор”, сифатни кучайтириш учун “жуда”нинг ўзи кифоя эканини, унга “лар”ни тикиштириш шарт эмаслигини билмасликдан, яъни саводлини сафидан орқадан қолиб кетишдан кўрқмоқлик дуруст бўларди. Бу гап “ошқовоқ”ни “ошқавоқ”, “рўй”ни “рўй”, “харажат”ни “ҳаражат”, “кўйлак”ни “куйлак”, “дабабаозлик”ни “дабабозлик” (9 (34) 18.05.2018 й.) шаклида чоп этаётган тахририят жамоасига ҳам тегишли. Газетанинг қай бир сонини кўздан кечирманг, аксарият мақолаларда ва ҳатто сарлавҳаларда ҳам имловий ва бошқа хатолар дилга ғашлик солади. Бундан муҳаррир-умусафҳихлар газета чоп этилиши олдида саҳифаларни ё умуман ўқинмайди ёки улар “газетамиз ададимизга ва дидимизга мос одамларнинггина қўлига тушади”, қабилида иш юритишади, деган хулосага келиш мумкин...

Ети йилдики (?) “Андижон Гавҳари” масъулияти чекланган жамият муассислигида 2 минг 250 нусхада чоп этилиб келинаётган “Vodiy Gavhari” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журналини қанча ўқиб таҳлил қилмайлик, унинг на мазмун-моҳиятини ва на зиммасидаги юкнинг салмомини кўра олдик. Юқорида таъкидлаганимиздек, уни таъсис этган ва чоп этаётганларнинг аниқ мақсади йўқ. Ваҳоланки, ўқувчига маънавий-маърифий неъмат улашаман, деган мақсад борлар, авваламбор, саводхон, дунёқараши кенг ижодкорлардан иборат жамоа шакллантирмоғи лозим эмасми? Инсоф билан айтганда, журналининг ташқи ва ички безаклари яхши. Бироқ зангори осмон фониде биргина мойчечаксимон гул ёнбошидаги ўнга яқин бўғин кўчиришга оид нусха билан берилган йигирма бир ярим сатрдан иборат (2018 йил, 6-сон) “саломлашув”га умуман тушунмадик. Башарти тахририят буни “ўзимизга хос услуб”, дейдиган бўлса, қачондан бери саводсизлик ўзига хос услуб бўлиб қолди?

Танқидда бу тарз кескин бўлишимизга журнал жамоаси умуман тахрир билан шуғулланмаётгандек таассурот қолдиргани сабаб бўлди, деган хато бўлмайди. Ўз ўқувчиларининг маърифий эҳтиёжига эътиборсизлик билан қараётган ижодий жамоа журналининг ташқи муқовасини ҳам саҳифа деб билади, шекилли, ақс ҳолда аслида “4-” бўлиши шарт бўлган бетни “6-” деб рақамламаган бўларди. Ҳатто нашрнинг номланшида ҳам хатolik бор. Нега энди “Vodiy Gavhari” дейилганда “G” ҳарфининг каттаси қўлланмоқда? Ё бош муҳаррир бу ерга ўз исмини қўйиб: “Мен Водий Гавҳариман” демоқчимми?

Бир қанча таниқли кишилар суратлари ва сўзлари келтирилган кейинги кўш саҳифалар ҳам жиддий орфографик хатоларга тўлиб-тошган. Дейлик, таниқли адабиётшунос Раҳмон Кўчқорнинг 13-саҳифада берилган дил иззорлари “Барчангизга шон(-)у шавкат билан гурурланиб юриш насиб этсин”, деган сарлавҳа билан, унга ёнма-ён тарзда Андижон вилоят(и) хотин-қизлар кўмитаси котибият(и) мудири Мавлуда Низомованинг “Аёли ардоқланган юрт шону шавкатга буркнанинг” сарлавҳани митти мақоласи берилмоқда. Иккала материалнинг деярли эгизак сарлавҳасида ҳам келтирилган “шону шавкат” сўзининг бирида чиқиқча (дефис) бору иккинчисида йўқ. Журнал масъуллари улардан қай бири тўғрилигини ўзлари ҳам билишмайди шекилли?! Ачинарлиси, бош муҳаррир имзоси билан эълон қилинган мақола (“Мамлакат ва миллат тақдиринга дахлдормиз” 2018 йил, 6-сон) ҳам тахрирга муҳтож. Оқибатда, вергулдан сўнг турдош отнинг бош ҳарфда ёзилиши, тире (—) белгисининг юқоридаги эмас, пастдаги сатрда қўйилиши, бундан ҳам ёмони, жумлалар ғализлиги каби ижодкор учун уят ҳисобланадиган бир талай нусхонларга йўл қўйилган: “Хали айиб ошкор бўлиб тасдиғини топмаган, суд ҳукми сўнги қарорни(?) чикармаган, демакки, айбсизлик презумпцияси(-га) амал қиладиган шахс — ўзимизга ўхшаган бир инсон шағнига айтилаётган, ёзилаётган, “фикрлар”, “баҳолар”, “муносабатлар”, кишини жиддий ўйга толдиради. Энг ёмони — бу ҳолни бояғи одамнинг оила аъзолари — турмуш ўртоғи, болалари, қариндош-қўшилари, кудалари ҳам ўқизи, кўриши тайин. Ҳолбуки... Ҳолбуки бунга кимнинг ҳаққи-ю ҳуқуқи бор?” Юк поездининг вагонларидек чўзиқ ва энсақотирар мазкур жумлада ноўрин ва ортиқча қўлланган сўзлар, тиниш белгилари (тире, қўштирмоқ ва ҳокazo — Б.О.)ни санаб олаверинг. Муқаддас динимиз илмидан чуқур хабардор бўлмаган кишининг “Яратган фалон деб ҳукм қилган-ку”, дейишга мутлақо ҳақи йўқ. Айниқса, ўзи тўқдан саз ва чучмал фалсафани Яратганининг ҳукми, деб матбуот саҳифасида келтириш қанчалик ўринли. Бош муҳаррир Гавҳарой Ҳасанова эса: “Ахир баддумонлик зунуҳи кабире эканини бандаси эмас, Яратганининг ўзи ҳукм қилган-ку!” деган “ҳукми мутлақ”ни айнан қайси манбадан олгани ҳақида лом-мим демайди. Бандасининг айнан қайси қилмишлари гуноҳи кабиралару қандай амаллари.

гуноҳи сағиралар сирасига киришини билмоқ учун муаллифининг ўзи диний адабиётларни ҳафсала билан варақлаши лозим. Ақс ҳолда ўз-ўзича “ояту ҳадислар” тўқийдиганларнинг сафи тагин биттага кўпайиш хавфи бор! Шунингдек, журналининг тўрт саҳифасида жаззаклик таниқли шоира Шахло Аҳорова билан сўхбат ва шеърлари берилган. Бироқ ундан интервью олган ҳамкасбимизнинг айрим саволлари юмшоқ қилиб айтганда, анча ғализ. Муҳбир шоирадан интервью олиш учун деярли тай-ёргарлик кўрмаган. Масалан, “Инсоннинг қайси бир томондан иқтидори бўлса, унинг ҳамма соҳада ўқуви бўлади, деган гап бор. (Таажжуб, бу қайси “доншманд”нинг гапи бўлди экан? — Б.О.) Сиз бу фикрга қўшиласизми?”

Яхши ҳамки, бу кемтикликни ҳозиржавоб шоира зукколик билан тўлдириб юборган. Лекин... Хато қилмоқ — бандасига хос. Сўхбатнинг авж нуқтасида у ҳам билиб-билмай тафаккурда хуруж қилган бир фикрни айтиб юборади: “Андижон, бунча ҳам меҳрга тўласан. Бир кун дунё тескари бўлиб, қиёмат қойим яқинлашса, дунёни меҳр кутқазади, деган гап бор. Энди меҳрни қаердан оламиз, дейишса, ана шунда бутун дунё Андижоннинг олдига тиз чўкиб келади, деганман...” Андижоннинг, умуман Фарғона водийсида умргузаронлик қилиб келаётган ҳамюртларимизнинг меҳри қайноқ, меҳмондўст инсонлар эканига шак-шубҳа йўқ. Аммо бу “рўзи қиёматда бутун дунёни Андижон кутқаради”, деган мантиқдан йироқ фикрга асос бўла олмайдими. Боболаримиз бор: қиёмат даҳшатларидан кўрқувга тушган бошқа қавмларнинг пайғамбарлари Муҳаммад соллоллоҳи алайҳи васалламнинг хузурига келиб: “Сиз охиразмон пайғамбарисиз, бутун оламга раҳмат тинсоли бўлиб келгансиз, бизларнинг умматларимизни ҳам шафоат қилинг”, дея ўтиниб сўрашар экан. Авжи ҳаяжонда, қизик устида шундай янглиш фикр чиқиб кетгудек бўлса, уни тўғрилаб тузатиш, жуда зарур бўлмаса, воз кечиб қўйиш — тахририят ходимларининг вазифаси эмасми?

Тахририят жамоаси ўз зиммасидаги вазифага эътибор билан қарамаяпти, деган фикримизни журналда эълон қилинган “Масаллигидан суви кўп” мақоласи ҳам далиллади. Бизнингча, турли ўқув юртида ишлайдиган муаллиф-ўқитувчиларнинг муқаддам бирон бир тадбир ёки дарс жараёнида фойдаланган маърузаларини мақола ҳолига келтиришга эринган журнал масъуллари қандай бўлса шундайлигига саҳифага қўйиб юбормоқда. Оқибатда ўша маърузалар қанчалик долзарб бўлмасин, тахрир қилинмаган, мақолага эмас, аксинча ўқувчи беэдирадиган, эзма ва ғализ бир маълумотномага айланган қолмоқда. Наҳиддин Эргашевнинг “Олтин халқ қачон мустақкам бўлади?” ёки Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси Дилнавоз Тожибоевнинг “Ҳар биримиз — келажак тарбиячиси” сарлавҳали мақолаларида чиқиқча (-) ва тире (—) белгиларини нотўғри қўллаш, айниқса, тирени пастки сатрга ўтказиб қўйиш, қаратқич ва тушум келмишларини ноўрин ишлатиш, чўзиб юборилган ва ғализ жумлалар... Бундай нуқсонлар ниҳоятда кўп: “Ва аксинча, энг номдор мадрасани битирган бўлмасан ўқизи пайтлари не тубанликларни ўзига раво кўрган (“Меҳробдан қаён” романининг “Ифлос бир мозий” боби), Абдурамон домла — масжид имомининг тили бошқа(-?)ю дили ўзга эканини, демак, тилда “мусулмонман” дейдиганки каснинг ўзидан ўзи мўмин саналмаслигини исботлаш учун бундан аниқроқ, миллий ўқувчи(?) га яқинроқ мисол борми?” Ўзингиз ўйланг, мана шу фикрни ифода этиш учун чираниб, эзмаланиб қирқ саккизта сўзни исроф қилишга ҳоҳат бормикан? Боз устига муаллиф “миллий ўқувчи” деган “янги” ибора кашф қилади. Агар тахрир хайъати узун-узун жумладаги “Абдурамон домла — масжид имомининг” иборасини “Масжид имом Абдурамон домланинг” шаклига келтириб берса, ўқиш энгилроқ ва тушунарлироқ бўлмасидими? Афсуски, ҳар иккала мақолада бундай нуқсонларни истаганча келтириш мумкин. Журналининг Наврўз байрамга бағишланган 3-сониде ҳам шу даражада имловий ва жумлавий хатолар кўпки, уларнинг баъзиларини кўриб, таажжубга тушасан, киши. Бармоқ бўғинидек йирик сарлавҳаларда ҳам саводсизларча хато ўтказиб юборишни қандай баҳолаш мумкин? Масалан, Андижон вилояти “Маҳалла” жамоат фондининг кутлови” сарлавҳасида “Маҳалла” “Маҳалла” шаклида берилган бўлса, икки тахририят — “Андижоннома” газетаси ҳамда “Vodiy Gavhari” журнали биргаликда тайёрлаган “Боғи Бобурда Наврўз шукӯҳи” сарлавҳали репортаж матнларида интервью жумлаларининг аввалида чиқиқча (-) қўйилган бўлса, жумла сўнгида тире (—) белгиси ишлатилган.

Хуллас, “Vodiy Gavhari”нинг ўнлаб сонларини варақлаб, журнал ходимлари маърифат улашмоқ ўрнига “данақ чақиш” билан машғул экан, деган хулосага келдик. Дано аждодларимизнинг “Гавҳарининг асра, уни тошга алмаштирма”, деган ўғити бор. Данақни тош ўрнига гавҳар билан чақиш эса оқилнинг иши эмас.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги хузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳи аъзоси

Қарор ва ижро



ТУРИЗМ — СЕРДАРОМАД СОҲА МАМЛАКАТИМИЗДА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “2018—2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу борада вазифалар белгиланиб, юртимизда туризмни ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий асослари яратилди ва амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бермоқда. Маълумотларга кўра, 2017 йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 125 минг сайёҳ юртимизга келган. Бу 2016 йилнинг мос даври билан таққослаганда қарийб 20 фоиз кўпдир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайлов-олди Платформасида ҳам туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари, умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ хизматларнинг қўлайлигини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш, аэропорт ва вокзалларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, виза бериш тартибини соддалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар қабул қилишни таклиф этмоқда.

Сўнги йилларда ЎзМТДПнинг Туризм соҳасига кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган амалий ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш лозим.

2018 йилнинг 24 апрелида ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан тизимдаги туризм соҳасига кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг таълим жараёнини ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида таълим муассасаларида очик мулоқот ташкиллаштириш сўралган эди. Сўров ижроси юзасидан ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хуна таълими бошқармаларига топшириқ хати юборилди. Шунингдек, 2018 йил 25 апрелида ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан Тошкент давлат иқтисодий университетининг Халқаро туризм факультети таълим жараёнини ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида очик мулоқот ўтказиш сўралган эди. 2018 йил 3 май кунини Тошкент давлат иқтисодий университетининг Халқаро туризм факультетида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университети билан ҳамкорликда “Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини янада такомиллаштириш” мавзусидаги очик мулоқот ўтказилди.

Эътироф этиш лозим, ЎзМТДП томонидан илгари сурилган бундай таклиф ва очик мулоқотлар амалда ўз ижросини топаяти ва мамлакатимизда сайёҳликни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир. Мисол учун, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Исроил, Индонезия ва Малайзия фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тартиби жорий қилинди ва бунинг натижасида ушбу давлатлардан мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқими кескин ошган. 200 мингга яқин индонезияликлар, аввало, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб, сўнгра Умра сафарига йўл олган. Шунингдек, халқаро аэропортларимиз орқали учётган 101 мамлакат фуқаролари учун 5 кунгача визасиз тартибда Ўзбекистон ҳудудида қолиш ҳуқуқи берилди. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб эса “e-visa.uz” Интернет сайти орқали хоржий сайёҳларга электрон виза бериш тартиби жорий этилди. Энди юртимизга сайёҳлик мақсадида келишни истаган фуқаролар виза олиш учун дипломатик ваколатхонага мурожаат қилиши керак бўлмайди. Сайт орқали юборилган мурожаатлар икки кун ичида кўриб чиқилади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Маълумки, бугун Франциядаги Эйфел минораси ва Лувр саройи, Хитойдаги Буюк Хитой девори, Хиндистондаги Тожмаҳал мақбараси, Англиядаги Big Ben, АҚШдаги Озодлик ҳайкали каби тарихий обидалар номи дунёга машҳур. Юртимизда ҳам юқорида номи келтирилган хоржий масканларга тенглашадиган, керак бўлса улардан-да мафтункор, салобатли тарихий қадимжоларимиз жуда кўп. Самарқанддаги Регистон, Амир Темур, Бибиҳоним мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Минораи Калон, Арк қалъаси, Исмоил Сомоний мақбараси, Хива шаҳридаги Ичан қалъа шулар жумласидандир. Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар Самарқанд, Бухорони билади, аммо Регистон, Амир Темур мақбараси, Арк ёки Ичан қалъа, Калта минор қақнда етарли маълумотга эга эмас ёки билмайди. Чет элликлар Самарқандни Регистон мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси орқали, Бухорони Минораи Калон, Хивани эса Калта минор орқали таниса, билса, сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ишларимиз янада самарали бўлишига хизмат қилар эди. Бунинг учун эса тарғибот-ташвиқот ишларини хоржий давлатларда янада кучайтириш талаб этилади.

Жамшид КАРИМОВ, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Ўрганиш ва таҳлил

КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАРИ

ЮРТИМИЗГА ҚАНДАЙ КИРИБ КЕЛМОҚДА?

...Мақтаб ёшидаги фарзандингиз учун ёзув, қундалик ва расм дафтари ёки ўқув қўлланмалари сотиб олаётганингизда уларнинг қалбаки ёки асл маҳсулот эканлигига ҳеч эътибор берганимиз? Шу ўринда савол туғилиши мумкин: дафтарнинг ҳам қалбакиси бўладими? Унда аниқлаш учун қандай йўл тутиш керак?

Юртимизда тадбиркорлар учун кенг имконият яратилаётгани кўпгина соҳалар ривожини муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши халқнинг фаровон яшаши учун асосий омил ҳисобланади. Аммо мана шу ишончли сунистеъмом қиладиган "тадбиркорлар" ҳам борки, уларнинг фақат ўз моддий манфаатини кўлаши жамият ҳаётида илм олишдек муҳим вазифани бажаришни ўз олдига мақсад қилган ёш авлод ҳаёти учун қайсидир маънода хавф туғдираётгани аниқ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида контрафакт матбаа маҳсулотларига қарши олиб борилаётган фаолиятни ёритиш ва унга қарши курашга кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида ташкил этилган "Контрафакт — соғлиқ, сифат ва иқтисодий кушандаси" номли матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Давлат солиқ кўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги вакиллари, ноширлар, матбаачилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган анжуманда таъкидланганидек, мазмунан саёз, ахлоқ меъёрлари, миллий маънавият ва қадриятларимизга мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда наشريётлар фаолияти бўйича хатлов, мониторинг ишлари олиб борилаётган. Бу жараёнда ноқонуний матбаа ва ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари аниқланиб, уларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилади. Чунки давлат стандартлари ҳамда белгилаб қўйилган меъёрий ҳужжатлардаги кўрсаткичларга зид равишда тайёрланган ва чоп этилган матбаа маҳсулотлари, ёш авлоднинг соғлигига, шунингдек, тенг рақобатли муҳитнинг издан чиқиши ва иқтисодийнинг мўътадил ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Ўзга ишлаб чиқарувчи ёки муаллифнинг асарини унинг розилигисиз қонунга ҳилоф равишда қайта чоп этириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш ёки адабий асарни сохталаштириб чиқариш орқали нафақат қонун бузилиши юз беради, балки бунинг ортидан фуқаролар саломатлигига ҳам жиддий зарар етади. Яъни бундай маҳсулотлар, биринчидан, сифатсизлиги, давлат стандартларига жавоб бермаслиги билан соғлиқ учун муайян хавфни юзага келтиради. Иккинчи жиҳати ундан қонуний фаолият олиб борувчи матбаа корхоналари ва савдо шахобчалари ҳам иқтисодий зарар кўради. Қолаверса, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сотиш амалдаги қонунчилигимизда таъқиқланган.

— Агентлик ва бир қанча ҳамкор ташкилотлар томонидан контрафакт матбаа маҳсулотлари

ишлаб чиқаришга қарши курашиш юзасидан 70га яқин тадбир ўтказилди, — деди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Ўттам Хамроев. — Юртимиз бозорларида ўтказилган ўрганишлар натижасида турли хорижий сериаллар қаҳрамонлари, эстрада қўшиқчиларининг тасвири туширилган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, ёшларимиз, шу жумладан, болалар саломатлиги ҳамда маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи бундай маҳсулотлар сотуви сезиларли даражада кўпайгани аниқланди. Бундай ҳолатдан зарар кўрмаслик учун аҳолини доимий равишда огоҳлантириб туриш ва улар билан мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида тез қунларда Агентликнинг расмий веб-сайтида алоҳида саҳифа очишни режалаштирганмиз.

2018 йилнинг июль ойи ҳолатига кўра, мамлакатимизда қонуний фаолият олиб бораётган матбаа корхоналарининг умумий сони 1 минг 718 тани ташкил этади. Шундан 82 таси китоб ва дарсликлар, 294 таси даврий босма нашрлар, 51 таси дафтар, 91 таси канцелярия ва бланклар, 385 таси реклама, 815 таси бошқа йўналишдаги матбаа маҳсулотларини чоп этишга ихтисослашган. Мазкур корхоналарнинг 992 таси (57,7 фоизи) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, 726 таси (42,3 фоизи) Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар ҳудудида жойлашган.

Мамлакатимиз ҳудудида контрафакт матбаа маҳсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш манбаларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситалари, жумладан, маҳаллий теле-радиоканаллар, Интернет сайтлари орқали мунтазам чиқишлар қилинаётган. Хусусан, аҳолини контрафакт маҳсулотларидан огоҳликка қақирувчи бир неча ижтимоий ролик тайёрланиб, эфирга узатилди. Аммо шунга қарамай жорий йилнинг ўтган даврида қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, пойтахтимиз бозорларида бир қанча контрафакт маҳсулотлар, жумладан, Қашми туманида жойлашган "Китоблар дурдонаси" дўконига қўлбола усулда тайёрланган мақтаб дарсликлар, "Smart Brain" ОК, "Sun Trade Group", "Brok class servis" ва "Qoq'oz Kapital Biznes" маъсулияти чекланган жамиятлари томонидан давлат стандартларига зид равишда ишлаб чиқарилган 12 ҳамда 48 варақли дафтарлар сотувга чиқарилган. Тошкент шаҳридаги "Чорсу" бозори атрофида жойлашган савдо дўконлари ва расталарида, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган "Илм шўъласи" улгуржи бозорида ҳам бир қанча ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, қонуний чора кўриш учун ваколатли органларга юборилган.

— Контрафакт матбаа маҳсулотлари бир қарашда худди асл нусхадек кўринади, — деди Давлат солиқ кўмитаси бош инспектори Элёр

Эргашев. — Аммо унга эътибор билан қаралса, ташқи кўринишидаги ранглар шаффоф эмаслиги, варақлар сони камлиги, чиқиқлар нотекислиги, қоғоз тикилишидаги камчиликлар, яъни белгиланган стандартга жавоб бермаслиги кўзга ташланади. Кўмитамиз ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан 219 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг 112 таси Тошкент шаҳри, 49 та Фарғона ҳамда 20 та Тошкент вилоятларида кузатилди. Қонунчилигимизда бу ҳолат юзасидан фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 5 бараваридан 10 бараваригача жарима тўлаш белгиланган.

Кўрилаётган чораларга қарамай, бозор ва савдо расталарида турли хилдаги сифатсиз, миллий маънавиятимизга зид, "оммавий маданият"ни тарғиб этувчи маҳсулотлар савдоси камаймаётгани кузатилмоқда. Айниқса, мақтаб бозорларида хорижий мамлакатлардан келтирилган маҳсулотлар навқирон авлод онги ва руҳиятига, таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши билан ташвишлидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши, аввало, айрим "удабурон"ларнинг нафсга эрк бериб, яширин чехларда ўзганинг маҳсулотидан нусха кўчириб, солиқдан қочиб савдо қилаётганлиги, кўпроқ фойда олиш учун давлат стандартига жавоб бермайдиган, энгил ва сифатсиз қоғоз ишлатиётганлиги, турли қинғир йўللар билан хориждан миллий стандартларимизга зид маҳсулотлар кириб келаётганлиги билан боғлиқ.

Тадбирда контрафакт зарарини тарғиб этувчи видеоролик ҳамда стандарт ва қалбаки матбаа маҳсулотларидан намуналар кўргазмаси ташкил этилди. Маърузачилар томонидан китоблар контрафакти асосан кичик босмаханаларда амалга оширилаётгани бир неча мисол орқали таҳлил қилинди. Масалан, "Мовароуннахр" наشريётида 2005 йилда расман нашр қилинган "Эй, фарзанд" номли тўплам 2018 йил санаси билан айрим "удабуронлар" томонидан қайтадан чоп этилган. Китобда мазкур наشريёга тегишли барча маълумот кўчирилган бўлса-да, стандартга умуман жавоб бермайди. Матнлардаги имловий хатолар ўқувчида савдосизлиқни тарғиб қилади, холос.

Матбуот анжуманида контрафакт маҳсулотлар кўпайишининг олдини олишда истеъмоличилар, жумладан, ота-оналар доим эътиборли бўлишлари, "Агентлик томонидан Facebook ижтимоий тармоғида алоҳида саҳифа очиб, барча маълумотларни жойлаб, халқ билан мулоқотни амалга ошириб бориш, четдан кириб келаётган бундай маҳсулотларга боғхона кўмитаси назоратини янада кучайтириши, бу борада белгиланган жаримани кўпайтириш юзасидан амалдаги қонунчиликка тақлиф бериш, меъёрий ҳужжат, яъни наشريёт — босмахона — сотувчи ўртасида у томонлама шартнома тузишни йўлга қўйиш сингари тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан

Мамлакатимизда 2002 йилдан буён фаолият олиб бораётган "Nobel Pharmsanoat" хорижий корхонаси Туркиянинг "Ulkar Holding" компанияси иштирокида ташкил этилган бўлиб, айни кунда Ўзбекистон фармацевтика бозорига юз фоиз чет эл сармосия асосида иш олиб боради. Корхона йилга 5,5 миллион қути дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда бу ерда халқаро GMP стандартига мос 60н турда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

"NOBEL PHARMSANOAT" МАҲСУЛОТЛАРИ

АСОСАН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЕДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Nobel Pharmsanoat" фармацевтика корхонаси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 январдаги "Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айни кунда мамлакатимизда 152 корхонада 2 минг 500 турдаги дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 27 корхона эса хориждан келтирилган сармосия ҳисобига фаолият олиб боради. Фармацевтика тармоғининг ривожланишида чет эл инвестициялари, хусусан, "Nobel Pharmsanoat" ҳам салмоқли ҳисса қўшаётган.

Матбуот анжумани якунида журналистлар учун "Nobel Pharmsanoat" фармацевтика корхонасига медиа-тур уюштирилди. Фабриканинг ишлаш қуввати, маҳсулот ишлаб чиқариш линиялари, физик-химёвий ҳамда микробиология лобараториялари билан яқиндан танишиш имконияти яратилди. Журналистлар дори-дармон тайёрлаш жараёнини кузатишди, саволларига жавоб олишди.

Фурсатдан фойдаланиб "Nobel Pharmsanoat" бош директори Куршат Женк Четинни сўхбатга торди.

— **Хурматли Куршат Четин, аввало, "Nobel Pharmsanoat" ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.**

— "Nobel Pharmsanoat" хорижий корхонаси Туркияда 1964 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, дунёнинг 20дан ортқ мамлакатда шўъба ва ваколатхоналарига эга "Nobel Ilaç-Ulkar Holding" компаниясининг тўғридан-тўғри инвестициялари асосида Ўзбекистонда 2002 йилда барпо этилган замонавий фармацевтика корхонасидир. Ўзбекистонда 16 йилдан бери фаолият кўрсатаяпмиз. Корхонамиз чет эл корхонаси бўлса-да, бу ерда ишлаётган 355 кишидан фақат 2 ходим Туркия фуқароси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг сифат назоратига, маҳсулотни сақлашдан тиббий муассасаларга етказиб беришгача ва экспортгача — барчаси ўзбекистонлик мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда.

— **Шу вақт оралиғида Ўзбекистонга қанча миқдорда инвестиция киритилди?**

— "Nobel Ilaç A.Ş."нинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари миқдори 40 миллион доллардан ошди. Инвестицияларимиз асосан замонавий технологияларни олиб киришга йўналтирилган. Шунингдек, ходимларимиз малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз. Улар дори-дармон ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини ўрганиш мақсадида Туркия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Россия ва Хиндистон каби мамлакатларда малака оширишди. Шунингдек, хориждан мутахассисларни ҳам жалб қилиб, ишлаб чиқариш ҳамда сифат назорати бўйича тренинглар ўтказмоқдамиз.

— **Мана ҳозир ҳамкасбларимиз билан янги фабрикани айланиб чиқдик. Маҳсулот тайёрлашни жараёнларини кузатдик. Қатъий тартиб-интизом ўрнатилганига гувоҳ бўлдик. Янги фабрика, GMP стандарти ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Мавжуд ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш мақсадида Тошкентнинг Қорасув даҳасида янги замонавий фабрика бунёд этишга қарор қилган эдик. Қурилиши 2013 йилда бошланган мазкур ишнинг 2018 йилнинг январь ойида тугалланди. Биз аввало тевакар-атроф тозаллигига, табиий яшил муҳитни сақлашга ҳаракат қилияпмиз. Мисол учун, фабрикамизда ишлаб чиқаришда ишлатилганидан сув қайта фидтрлашдан ўтказилганидан кейингина чиқариб юбо-



рилади. Шунингдек, тевакар-атрофда яшил майдон ва арчазорлар барпо эдик. Бугунги медиа-тур асносида ўзингиз ҳам шохид бўлдингиз, фабрика халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Корхонамиз халқаро ISO ҳамда GMP сертификатларига эга.

GMP — инглизча "Good Manufacturing Practic", яъни "Энг мақбул ишлаб чиқариш амалиёти" бўлиб, дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнида бугунги халқаро талабларга қатъий риоя қилинади. Ушбу стандарт асосида ишлаб чиқарилган дори-дармон маҳсулотни дунёнинг ҳар қандай ўлкасида қабул қилинади. Ҳар бир мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ташкилоти назорат қиладиган ўз GMPси бор. Агар сиз бирон-бир мамлакатта маҳсулот экспорт қилмоқчи бўлсангиз, аввало, уни расмий қайддан ўтказиш керак. Расмий қайднинг бирламчи шарти — ишлаб чиқариш жойининг GMP талабларига мос бўлишидир. Бунинг учун ўша хорижий ўлка мутахассислари келиб, ишлаб чиқаришни бошдан-охиргача кўздан кечиради. Ўз мамлакатининг GMPсига мос бўлса, шунга оид сертификат беради. Демак, дори воситалари ишлаб чиқариш учун аввало, GMP сертификатингиз бўлиши керак, шунда сиз маҳсулотингизни Ўзбекистонда сота olasiz. Шунингдек, экспорт қиладиган ўлканинг GMPсига ҳам эга бўлиш керак. Бу — ўша давлат томонидан сиз жойлашган мамлакат GMPсининг тан олинishi билдиради.

— **Демак, бу фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда?**

— Ҳа, бугунги кунда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиқли маҳсулотларимизни Туркия, Қозоғистон, Афғонистон ва Грузияга экспорт қилмоқдамиз. Мазкур давлатларга бугунгача 2 миллион 600 минг АҚШ долларидан зиёдлик дори-дармон экспорт қилдик. Шунингдек, Германия ва Молдовага маҳсулот экспорти борасида ҳам музокаралар олиб бораёпмиз.

— **Янги дори воситалари ишлаб чиқариш борасида қандай режаларингиз бор?**

— Ўзбекистон эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги препаратларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун корхонамизда "Тадқиқотлар ва изланишлар бўлими" ("Research & Development") ташкил қилганмиз. Ушбу бўлим мутахассислари ҳам Ўзбекистон учун муҳим деб ҳисобланган дори воситаларини ўрганишди, ҳам маҳаллий хомашёлар асосида дори ишлаб чиқариш билан шуғулланишди.

Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёдан 5 турда дори ишлаб чиқаришнинг, унинг 3 тури эса хорижга экспорт қилинмоқда.

— **Сир бўлмаса, ҳозир қандай хомашё ишлаб чиқарилаяпти?**

— Улардан бири ва энг муҳими онкологик касалликларда қўлланиладиган дори хомашёси саналади. Ушбу субстанцияга дунёда талаб катта. У эса Ўзбекистон шароитида табиий равишда ўсадиган шифобахш ўсимликдан тайёрланади. Шунингдек, яна бир қанча рақобатбардош маҳсулотлар хомашёси ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

Бу ердаги энг катта муваффақиятимиз — Ўзбекистонда халқаро стандартларга мос дори-дармон ишлаб чиқаришнинг аксарият қисми маҳаллий хомашёдан тайёрланапти. Соҳага яна бир қанча янги инвестицияларни жалб қилиш ва амалга ошириш режаларимиз бор. Ўзбекистон фармацевтикаси ва тиббиётга хизмат қилиш биз учун шарафли вазифа саналади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Эркин ДОРИПОВ сўхбатлашди.

Имтиёз ва масъулият

СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ — БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини, ишбилармонларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнес юртиш учун куллай шарт-шароит яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг, жумладан, яқна тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда фаолият юртиши-ни тақозо этади. Зеро, қонунга итоаткор, солиқларни ўз вақтида тўлайдиган тадбиркор давлат ҳимоясидадир.

Конституциямиз ҳамда Солиқ кодексига ҳар бир шахс солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Зеро, солиқлар мамлакатимиз тараққиёти ва куч-қудратини, халқимиз фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим манбадир.

Бугунги кунда аксарият юрtdошларимиз бунинг моҳиятини чуқур англаб, солиқларни ўз муддатида тўламоқда. Бу юртимизда солиқ маданияти тобора юксалаётганидан далолатдир. Аммо солиқ тўлашни пайсалга солиш ёки ундан қасдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда Самарқанд вилояти давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахслар, яширилган солиқ солиш объектлари, ноқонуний олиб кирилган товарларнинг етказилиши, сақланиши ва реализация қилиниши, яширин

2 миллиард 262 миллион сўмдан ортқ қўшимча маблағ жалб этилди. Шунингдек, ўрганишлар давомида 4 минг 124 нафар фуқаронинг яқна тартибдаги тадбиркорларга ноқонуний равишда ёлланиб ишлаётгани аниқланиб, уларнинг ҳам қонуний рўйхатдан ўтиб ишлаши таъминланди. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга 729 миллион сўм қўшимча маблағ тушди.

Маълумки, солиқ соҳаси ижтимоий жамият ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, бугун давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва маслаҳатчисига айланган. Бинобарин, тадбиркорлик фаолияти бўйича зарур маслаҳат ва кўмак берилиб, тушунтириш-тарғиб ишлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фаолиятини тўхтатган яқна тартибдаги 6 минг 418 нафар тадбиркорга фаолиятини қайта тиклашда ҳар томонлама кўмак берилди. Ушбу йўналишдаги олиб борилган профилактика тадбирлари натижасида маҳаллий бюджетга 2 миллиард 174,1 миллион сўм қўшимча маблағ жалб этилди.

Халқимизда "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йил бўлса ҳам чиқарди" деган нақл бор. Шундай экан, яширинча иш кўриш ҳеч вақт ҳеч кимга яши ном, обрў-эътибор келтирмаган. Аксинча, яширин

ва ноқонуний фаолият кишининг юзи шувут бўлишига, маҳалла-қўй орасида эътибордан қолишига олиб келиши муқаррар. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймалик ҳам доимий эътибордаги масалалардан. Ўтказилган назорат тадбирлари давомида ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб келаётган, яъни давлат рўйхатидан ўтмасдан яширин цех ташкил этган 150 нафар шахс билан профилактик сўхбатлар ўтказилиб, қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур йўл-йўриқлар, тавсиялар берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, яратилаётган кенг имкониятлар тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини ривожлантириш билан бирга зиммаларидаги бурч ва масъулиятни вақтида адо этишни ҳам юклайди. Қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда фаолият юртиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш орқали иқтисодий тараққиётга ҳисса қўишни ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятининг бош мезони сифатида белгилаши керак.


Шамил МУТАЛИБОВ,
Самарқанд вилояти
давлат солиқ бошқармаси
бўлим бошлиғи

Бизнинг шарҳ

ТАДБИРКОРЛИК ИШТИЁҚИ СЎНМАСА БАС

БУНГА "SAMSUNG" КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ

Кундалик турмуш ва ишда кўп бора дуч келадиган электрон қурилмалар — компьютер, телевизор, кондиционер, микротўқилли печ ва ҳатто, ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурган смартфонларда "Samsung" ёзувини кўришга оdatланиб қолганмиз. Чунки улар айнан ушбу компания маҳсулоти саналади. **Корея Республикасининг йирик бизнес компанияларидан ҳисобланган Samsung Group ишлаб чиқарган қурилмалар дунёнинг машҳур брендларидан бирига айланиб улгурган.**



Жанубий Кореяда бундай йирик компаниялар "чебол" деб аталади, яъни у бир оилага ва қисман давлатга тегишли йирик моливий-саноат гуруҳи. Ҳўш, бошланғич капитал атиги 30 минг вон (ўша пайтда 2 минг АҚШ долларига тенг) бўлган компания "чебол" даражасига қандай чиқиб олди?

Samsung Group аслида бир нечта соҳада бизнес қилувчи йирик хусусий корпорациядир. У ўзида электрон саноат, кимё саноати, молия ва сугурта ҳамда оғир саноат йўналишида фаолият олиб борадиган 30га яқин компанияни жамлаган. Улар орасида энг етакчи компания Samsung Electronics ҳисобланиб, корпорациянинг деярли 70 фоиз фаолияти ушбу компания билан боғлиқ. Мазкур компания LCD панел, DVD плеер, мобил телефон, шахсий компьютер ва уларда фойдаланиладиган хотира модулларини ишлаб чиқаради.

Samsung Group корпорациясига 1938 йил 1 март кунини тадбиркор Ли Бен Чхоль асос солган. "Samsung" корей тилида "уч юлдуз" деган маънони англатади. Бундай номланиши компаниянинг деярли 70 фоиз фаолияти билан изоҳланади. Айни пайтда Ли Бен Чхольнинг номи билан боғлиқ, айтиш мумкинки, Нобель мукофотининг корейсча муқобили — No-Am Prize ташкил этилган. У техника ва фан соҳасида ютуқларга эришган маҳаллий ва хорижий корейс миллатига мансуб кишиларга тақдим этилади. Samsung Groupнинг бош офиси Жанубий Кореянинг Кён-донг провинцияси маркази ҳисобланган Сувон шаҳрида жойлашган. "Samsung" ўз таъсисчилари мақсадини куйидагича ифодалайди: "Биз компаниянинг ишчи ва технологик ресурсларидан олий сифатли маҳсулот ва хизматлар яратиш

учун фойдаланамиз, бу эса ҳамжамиятнинг глобал ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшади".

Тадбиркор Ли Бен Чхоль фаолиятини гуруч уни ишлаб чиқаришдан бошлаган. Жанубий Кореянинг Тегу шаҳридаги кичик оморхона "Samsung" компаниясининг илк қадамлари бошланган жой саналади. Ҳўш вақтда мамлакатда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш мурраккаб эди. Шундай бўлса-да, Ли 1938 йили Хитой ва Маньчжурияга маҳсулот экспорт қилиш йўлини топади. Гуруч, шакар ва қуритилган балик каби озиқ-овқат маҳсулотларини фаол тарзда етказиб бериш тадбиркорга Samsung Trading Company савдо белгисини расман рўйхатдан ўтказиш имконини берди. 1950 йилнинг охиридан бошлаб эса Ли Бен Америка қитъасидаги мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб боришга киришди. Бироқ Корея уруши ушбу бизнеснинг батамом йўқ бўлишига олиб келди.

Ли Бен Чхоль ёниб, батамом кулга айланган уйи харобалари орасидан бир қути қидириб топади. Ҳўш кутига у янги тадбиркорлик бошлаш учун пул йиғиб қўйган эди. Қутидаги пуллар билан Ли тикув фабрикаси, шакар заводини қурди ва кейинчалик сугурта бизнеси билан шуғуллана бошлади. Айтиш жоизки, ўша вақтларда ҳатто Сеулда ҳам электр токи доимий бўлмади, вақти-вақти билан узатилган. Марказлашган сув тизими эса умуман йўқ эди. Мана шундай шароитда ҳам Ли Бен Чхоль жуда тез фурсатда бойиб кетди. Бироқ 1961 йилнинг 16 майда Кореяда ҳарбий давлат тўнтариши содир бўлди. Бу воқеа мамлакат президенти Ли Син Маннинг яқин дўсти бўлган Ли Бен Чхольнинг бизнеси синишига олиб келди — у қамоққа олинади.

Кореянинг янги президенти Пак Чон Хи иқтисоднинг саноат секторини АҚШ билан яқин алоқалар асосида маҳсулотларни экспорт қилиш, хорижий инвестиция киритиш, хомашё ва замонавий технологияларни сотиб олиш, олинган даромадни эса янги хомашё ва техникаларни сотиб олишга йўналтириш асосида ривожлантириш дастури ишлаб чиқади. Кореялик инқилобчилар иқтисод барқарорлиги

йирик концернларга таяниши керак, деган фикрда бўлса-да, бироқ бундай компанияларни қисқа муддатда ташкил этиш лозим эди. Шу боис етакчи бизнесменларга давлат томонидан кредит ва қарз берилди. Тадбиркорлар давлат буюртмаларига эга бўлган, шу билан бирга улар учун қўлланиладиган солиқ тўлаш шартлари юмшатиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган. Бу, ўз навбатида, кичик корхоналарнинг йирик концернга айланиши учун катта имконият берди. Омадли тадбиркорлар орасида Ли Бен Чхоль ҳам бор эди.

Шу йўсинда 30га яқин йирик компания — "чебол"лар ташкил этилди. "Samsung", "Daewoo", "Hyundai" ва "Goldstar" (LG) каби бошқа компаниялар шулар жумласидан. Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналишга эга бўлган: "Daewoo" — автомобиль ишлаб чиқариш, "Hyundai" — қурилиш, "Goldstar" (LG) — маиший техника, "Samsung" — электроника.

1969 йилда "Sanyo" компанияси билан бирлашган Samsung дастлабки оқ-қора экранли телевизорларни ишлаб чиқара бошлади. Ҳўш пайтда бундай телевизорлар Корея аҳолисининг атиги икки фоизига бор эди, холос. "Sanyo" ва "Samsung" бирлиги — Samsung Group ҳозирда шуғулланадиган йирик соҳалардан бири электроника ва Samsung Electronics компанияси фаолиятини бошлаб берди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иқтисодий инқироз сабаб компания катта зарар билан фаолият юритди. Ли Бен Чхольнинг кичик ўғли Ли Гон Хи компания раҳбарлигини қўлга олгач, нафақат компанияни қайта қуриш, балки бошқариш асосини ҳам бутунлай ўзгартиришни тақлиф этди. Бу орқали компания фаолияти эркин савдо ҳақидаги қонун меъёрларига тўлақонли мос бўлиши керак эди. 1980 йилгача компания акциялари фақат Жанубий Корея ҳудудида сотувга чиқарилган, шу боис ташқи инвесторлар томонидан қизиқиш кам эди. Бунинг сабаби конфуциан тамойиллари асосидаги осибча анъанавий бошқарув усулига кўра компания бошқарувиде фақат Ли оиласи вақиллари бўлган. Бундай вазиятда ташқи инвесторлар компаниянинг бошқарув сиёсати таъсир ўтказа олмас эди. Бошқарув сиёсатининг ўзгариши ташқи инвесторларнинг эътиборини жалб қилиши лозим эди, чунки "Samsung" давлат томонидан қўллаб-қувватланмай қўйилди.

Бир қатор маркетинг ўзгаришлари амалга оширилди: компания мақсади ва унинг учта юлдуз туширилган логотипи мутлақо ўзгартирилди. Чунки аввалги логотип корпорациянинг халқаро имижига мос эмас, деб баҳоланди. Ана ўшанда Samsungнинг кўк рангли динамик эллипс устида компания номи туширилган замонавий савдо белгиси ишлаб чиқилди. Қутилмаган дизайн ва кенг қамровли реклама компанияни ўз таъси-

рини кўрсатди: логотип дунёдаги энг таниқли савдо белгисига айланди. Ҳозирги кунда реклама соҳасида таҳсил олаётган талабаларга "Samsung" логотиплари тарихи омадли ребрендинг (брендинг ўзгаришига оид фаол маркетинг стратегияси) сифатида ўқитилади. 2015 йилга келиб эллипс шакли логотипдан олиб ташланиб, фақат кўн рангга ёзилган компания номи қолдирилди.

Компания томонидан 1983 йилда шахсий компьютерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1991—1992 йилларда дастлабки шахсий мобил қурилма ва мобил телефон яратиш ҳамда ишлаб чиқариш бошланди. Ва ниҳоят, 1999 йилда "Forbes Global" журналининг маиший электроника соҳасида ишлаб чиқарувчи мукофоти Samsung Electronicsга насиб этди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, "Samsung"нинг энг муҳим ишлаб чиқариш йўналишларидан бири — монитор (суюқ кристалли панел) ва телевизор ишлаб чиқариш. Samsung Electronicsнинг монитори ишлаб чиқарувчи заводлари Жанубий Корея (Сувон шаҳри, 1991), Венгрия (1990), Малайзия (1995), Буюк Британия (1995), Мексика (1998), Хитой (1998), Бразилия (1998), Словакия (2002), Хиндистон (2001), Вьетнам (2001), Таиланд (2001), Испания (2001) ва Россия (2008)да жойлашган.

"Samsung" компанияси фақат бизнес билангина шуғулланмай, бугунги кунда у таниқли спорт жамоаларига ҳомийлик ҳам қилади. Масалан, футболда "Suwon Samsung Bluewings", бейсболда "Samsung Lions", баскетболда "Seoul Samsung Thunders", аёллар баскетболда "Samsung Bichumi", волейболда "Samsung Bluefangs" ва "StarCraft Samsung Khan" киберўйинчилар жамоаларининг эгаси саналади. Шунингдек, 2005—2015 йилларда Англия премьер лигасида тўпсурувчи "Челси" футбол клубига ҳомийлик қилган.

"Samsung" Олмаотда "Coding Lab" номли дастурлаш мактабини очди. Унда 8—11-синф ўқувчилари учун тренинглар ўтказилди ва бу 2017 йилнинг декабридан 2018 йилнинг апрелигача давом этди. Шу йилнинг ёз ойларида курсларда қатнашиш истагида бўлганлар учун Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университетиде тренинглар ўтказилди. Бу билан компания ўзининг қаноти остида истеъдодли кадрларни аниқлаш ва бизнес фаолияти давомида уларнинг билим ва кўникмалари, янги инновацион ғояларидан унумли фойдаланишни мақсад қилгани, шубҳасиз.

Бугунги кунда "Samsung" компанияси дунёнинг энг таниқли брендлари орасида "Coca-Cola" дан кейин еттинчи ўринни эгаллаб турибди. 2017 йилда йиллик маблағ айланмаси 399,2 миллиард АҚШ долларини, соф даромади эса 56,889 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



КЎҲНА ҚАБРИСТОН ТОПИЛДИ



Албанияда ерни қовлаб газ қувурларини ётқизаётган туркиялик ишчилар кўпқаватли қабристонга дуч келишди. Мутахассисларнинг фикрича, унда дафн этилган одамлар турли даврда яшаганлар.

"The Associated Press"нинг хабар беришича, 4 минг квадрат метр майдонга эга қабристондаги қазилма ишларига 50га яқин археолог жалб этилган. Қабристон мамлакатнинг жанубий-шарқиде жойлашган Туран қишлоғидан топилган.

Қувурларни ётқизиш археологик қазилма ишлари сабаб тўхтатилган. Натижада бир неча даврга тегишли маданият унсурларига эга қабристон кенг очилган. Мутахассислар неолит даврига бориб тақалишни айтишмоқда.

Ундан ташқари яна учта алоҳида қабристон ҳам топилган. Улар бир-бирининг устида, қават шаклида жойлашган. Қабристонлардаги мингта қабр ва 900 та одам скелетининг дастлабкиси темир даври, қолганлари Рим империяси ва ўрта асрларга оидлиги аниқланди.

Археологлар қабрлар ичида одам суяги билан бирга кўплаб тилла танга, сирга, билгазуқ, идиш бўлақлари, ханжар ва найзаларни ҳам қазиб олишган.

GOOGLE MAPS БИЛАН ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИНИ КУЗАТИНГ!



Интернетда жамоат транспортини онлайн режимда кузатиб бориш учун тез орада Google Maps пайдо бўлиши ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Google компанияси блогиде "энди сиз қаҳва ичиб олишга вақтингиз борлигини ёки автобусдан қолиб кетмаслик учун югуришингизга тўғри келишини доимо билиб турасиз", деган хабар берилган.

Жамоат транспортини кузатиш Google Mapsга киритилган ягона янгилик эмас. Энди Интернетдаги ушбу хизмат орқали йўллардаги машина тирбандликлари, йўл транспорт ҳолисалири ҳақида билиб оласиз.

Мазкур хизматдан Android ва iOS смартфонларида шу ҳафтанинг ичида-даёқ фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қурилмадаги Google Maps иловаси янгиланса kifoya.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Искендер Жаримбетовга отаси

Утеген ЖАРИМБЕТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Рангин дунё

КАППАДОКИЯ — ЕР ОСТИ ШАҲАРЛАРИ ЎЛКАСИ



Каппадокия Туркияда жойлашган бўлиб, ўзининг ноодатий ландшафти, ерости шаҳарлари ва қоялардаги ибодатхоналари билан машҳур. У ердаги Гереме миллий боғи ва Каппадокия горлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Каппадокиянинг тарихи миллоддан аввалги XVIII асрга бориб тақалади. Бу ҳудуд тамаддунолар кескишган, тарихий воқеалар рўй берган макон бўлиб келган. У дастлаб хетларга тегишли бўлган. Кейинчалик мидияликлардан форс-македонлар қўлига ўтади. Ҳатто қисқа вақт бўлса-да, бу ерда Каппадокия қироллиги барпо этилган. Милодий I асрга келиб Каппадокия Рим империяси провинциясига айланади, кейинчалик Византияга мерос бўлиб ўтади. XI асрдан ҳудудни салжукийлар, ундан сўнг усмонли турклар эгаллайди.

Гереме миллий боғидаги Ихлара водийси номли дарани турклар Америкадаги Гранд-Каньонга қиёслашади. Албатта, Ихлара дараси Гранд-Каньонга қараганда ўн баробар саёз, бироқ у гранит тошлари, дарёсининг шаффоф қирғоқлари ва қоятошларда барпо қилинган ибодатхоналари билан ажралади туради.

Каппадокиядан жанубга қараб икки километрдан кўпроқ юрилса, Ўрта ер денгизига чиқилади. У ердаги эътиборга сазовор жойларнинг аксарияти Гереме миллий боғи ҳудудида киритилган. Боғ Невшехир, Аванос ва Урғюп шаҳарлари ўртасида жойлашган бўлиб, икки йирик трасса билан боғланган. Миллий боғда бемалол саёхат қилиш учун алоҳида йўллар ҳам мавжуд. У Каппадокиянинг юраги саналади. Баланд қоялар, христиан дини шаклланаётган даврга оид ибодатхоналар ва ҳозир ҳам фойдаланиладиган қоя



уйлар ҳар қандай кишини хайратга солиши, шубҳасиз. Шу боис Гереме миллий боғини кўрмаган киши Каппадокияга саёхат қилдим, дегани бекор, қабилидаги ибора одамлар орасида машҳур.

Ер ости шаҳарлар ва қоядаги ибодатхоналарга кириш учун 45 лира турадиган Cappadocia Museum Pass абонементи сотиб олинади. У билан 72 соат давомида олтин музей комплекси — очик осмон остидаги Гереме музейи, Ихлара водийси, Зельве монастыри, Деринкую, Каймоқли ва Озконак ер ости шаҳарларини томоша қилиш мумкин.

Каппадокия ҳудудида миллион йил аввал Эржияс ва Хасан вулқонларининг отилиши натижасида пасти юмшоқ туф (вулқон кулларида ҳосил бўлган жисм), юқорисида эса қаттиқ базальт (таркибида темир моддаси кўп бўлган тош жисм)дан иборат қоплама пайдо бўлган. Коррозия сабаб туфнинг ақсар қисми емирилиб юқориси қаттиқ базальт ҳамда пасти юмшоқ туфдан иборат кўзқорин шаклидаги тош устунлар ҳосил бўлган. Миллий боғда, унчалик катта бўлмаган ҳудудда ўнлаб қоятошли чайлалар мавжуд. Улар бир-бирини мутлақо такрорламайди ва ҳар бирининг белгиланган йўл харитаси бор. Агар ҳудуднинг шарқий қисми борилса, бир вақтлар мазкур Миллий боғнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига асос бўлган Эржияс вулқонини ўрнини кўриш мумкин.

Каппадокия аҳолиси туфнинг афзаллигини аллақондан аниқлашган: юмшоқ бўлгани боис уни қайта ишлаш осон. Шу боис вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган қояларда ёр ва монастырлар қуриш қўлай бўлган. Бироқ вақт ўтиб ҳаво билан реакцияга киришган туф қаттиқлаша бошлади. Ёр ва ибодатхоналарда нафақат диндорлар, балки оддий одамлар ҳам истиқомат қилган.



Замонавий қурилиш материаллари пайдо бўлганидан сўнг, Каппадокия аҳолиси янги уйлар кура бошлаган. Ёрлар эса оморхона вази фасини бажарган. Шундай бўлса-да, айрим жойлар, масалан, Учхисарда одамлар ҳалигача ёрда кун кечиради.

Савдо йўли устида жойлашгани ва ҳосилдор ерлари сабаб кўплаб босқинчилар Каппадокияни қўлга киритишга интилган. Маҳаллий аҳоли эса улардан ҳимояланишнинг ажойиб усулини топади: барча қимматбаҳо нарсаларни кўп қаватли ер ости шаҳарларида сақлаган. Бундай шаҳарларда тўлақонли яшаш учун барча зарур шароит яратилади: турар жой, ҳосил учун омор, қудуқ, черков ва қабристон. Шаҳар шундай қурилганки, уни босиб олишнинг иложи бўлмаган. Унинг йўлаклари катта ҳарсанг тош билан беркитилган. Уларни фақат ичкаридан туриб очиш мумкин бўлган. Бунинг барча эҳтиёт чоралари қўрилгани агар ёв харсанг тошлардан ўта олган тақдирда ҳам шаҳардан чиқиб кетолмаслиги, чунки унинг йўлаклари лабиринт тарзида қурилганидан ҳам англаш мумкин. Айни пайтда Каппадокияде юздан зиёд ерости шаҳарлари бор. Уларнинг бир нечтаси сайёҳлар кириши учун махсус жиҳозланган. Улар орасида Деринкую энг машҳур ерости шаҳри саналади.

Каппадокия бугунги кунда Туркиянинг маданий, тарихий ва туристик марказларидан бирига айланган. "Anadolu" ахборот агентлигининг хабарига кўра, 2018 йилнинг олти ойи давомида бу ерга 1 миллион 236 мингдан зиёд сайёҳ келган ва бу рекорд кўрсаткичдир.

М. АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хунармандларимиз

МОМОЛАРИМИЗДАН МЕРОС САНЪАТ

Қадимдан миллий хунармандлик санъатининг йирик марказларидан бўлиб келган Шахрисабз туманида ушбу соҳа мустақиллик йилларида янада ривожланиб, хунармандлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.



Момоларимиздан мерос сифатида бизгача етиб келган амалий санъатнинг энг қадимий ва кенг тарқалган тури каштачиликдир. Ҳар бир қатим ипакка жон баҳида этиб, дил туйғуларини гўё бежирим гуллар жилосига улаб, матога нақш солиш — мўъжиза. Халқимизнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу санъат қўли гул чеварлар томонидан асрлар оша шакл ва бадиий жиҳатдан янада сайқалланиб келаётир.

Шахрисабзлик Мафтуна Курбонова асрлар оша яшаб келаётган машаққатли, кўз нури талаб этиладиган каштачилик хунарини ўзлаштирган моҳир чеварлардан. У нозик ва бетакрор нақшлари билан доврғ қозонган Шахрисабз каштачилик мактабини янги, ноёб кашталари билан янада бойитди. Унинг кашталаридаги нафис нақшлар, ўткир ва ёрқин ранглар хунарманднинг дил қаътидан, орзу-ўйларидан хикоя қилади, гўё.

— Болалигимдан мана шу хунар билан шуғулланадиган инсонлар ичида улғайдим, — дейди Мафтуна Курбонова. — Онам ва холам яратган бир-биридан бетакрор кашталар мени ўзига оҳанрабодек тортарди, завқимни оширарди. Уларнинг тўнни тонгга улаб, кўз нури, қалб кўрини ўзи ишга бахшида этиши, яратилган гўзалликни кўриб ақлим шошиб қоларди. Шу тариқа каштачиликка меҳр

қўйдим. Онамнинг тикувда, холамнинг эса дизайндаги маҳоратини ўзлаштирган айни пайтда жуда асқатмоқда.

Қўлигул хунарманднинг қалб кўри билан яратилган кашта буюмлар — палак, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, зардевор; кийимлар — кўйлак, нимча, дўппи, пешонабанд, камарлар намуналари ва бошқа буюмлар жуда харидордир.

— Каштачиликда ранг танлаш ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди хунарманд. — Яратилган ишда ҳар бир рангнинг бир-бирини тўлдириши, уйғун ва мос тушишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Мен қўлда яратилаётган либосларнинг барчасида асосан ипак матосидан кенг фойдаланаман. Чунки у инсон организми учун анчайин фойдали. Қолаверса, вақт ўтиши билан унинг ранги ҳам ўзгармайди, жилвакор ва ҳамиша товланиб туради. Шундан бўлса керак, нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам ушбу ипак толали матоларимизга қизиқиши банд.

Миллий хунармандлик анъаналарини ривожлантириш, келажақ авлодларга етказишда республика "Хунарманд" уюшмаси фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Уюшма томонидан ўтказилаётган турли кўргазмалар, кўрик-танлов ва фестиваллар хунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг халқ амалий санъатининг юксак намуналарини кенг намойиш этишига хизмат қилаётир. Мафтуна Курбонова ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

У 2017 йили "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танловининг республика босқи-

чида хунармандчилик йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаган бўлса, "Амалий санъат — истиқболли ёшлар қўлида" кўрик-танловининг республика босқида ғолибликни қўлга киритди. Шу йилнинг март ойида Шахрисабз шаҳрида ўтказилган "Fashion show" халқаро подиумида ўзининг яратган миллий либослар коллекцияси билан қатнашгани ҳам Мафтунанинг ўзига хос ютуқларидан бўлди. Қолаверса, яқинда "Ёшлар — келажақ бунёдкори" шиори остида бўлиб ўтган ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасининг вилоят босқида муваффақиятли иштирок этди. Миллий каштачиликнинг бетакрор анъаналарини ўзига ифода этган намуналар, атлас, адас матолардан тикилган либослар кўргазма иштирокчилари ҳамда хорижлик сайёҳларга манзур бўлди.

Бугун давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли ишлайман, ҳалол меҳнат қиламан, деган борки, банкдан кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўймоқда. Ёш хунарманд ҳам



бу имкониятдан самарали фойдаланиб, яқинда "Микрокредит банк"дан 8 миллион 500 минг сўм имтиёзли кредит олиб, тикув ва попоп машинаси сотиб олди. Натижада 40 нафар тенгқурини доимий иш билан таъминлади.

Мафтуна Курбонова ёш бўлишига қарамай "уста-шогирд" анъаналари асосида ўндан зиёд тенгдошига каштачилик сирларини, жумладан, ўндан зиёд турдаги миллий либосларни тикишни ўргатмоқда.

— Ҳар ким ўзи севган касб-хунарини эгалласа, шу орқали катта муваффақиятга эришиши, шубҳасиз, — дейди Фо-

тима Қўлдошева. — Хунар ва санъатни ўзида мужассам этган бу соҳа нафақат моддий жиҳатдан, балки миллийлиги, маънавий, тарбиявий аҳамияти билан ҳам қадрли. Мафтуна ёш бўлишига қарамай, меҳнатқаш, жуда изланувчан ва талабчан устоз. У, аввало, ишда ҳар доим сифатга эътибор қаратади. Унинг бу хусусиятлари биз шогирдларига ҳам ўрнак бўлмоқда. Бир неча ой давомида устозимдан каштачилик билан бирга, ўз ишимизга меҳр билан ёндашишни ҳам ўргандим.

Дарҳақиқат, хунарли киши элда азиз бўлиб, ҳамиша қадри, хурмати юксалиб бораверади. Тинимсиз изланиш ва ҳаракат катта муваффақиятлар томон йўл очади. Юртимизда Мафтуна Курбонова сингари ёш хунармандларнинг сафи кенгайётганлиги уларнинг ёшлар учун яратилган шарт-шароит, имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётгани натижасидир.

— Онам болалигимданок "Қайси касбни эгалласанг ҳам астойдил ҳаракат қил, меҳнатдан қочма", деб насиҳат

қиларди, — дейди хунарманд. — Шу гапларга амал қилган инсон борки, албатта, ўйлаган ниятига етар экан. Минг машаққат билан тикилган каштачилик маҳсулотларим, миллий либослар тай-

ёр бўлганида бир қувонсам, улар халқимизнинг яхши кунда ишлатилаётганини кўриб, яна бир фахрланаман. Каштачиликни такомиллаштириб, ишимизни йўлга қўйишда мамлакатимизда халқ амалий санъатини раванқ топтиришга қаратилган имкониятлар, хусусан, хунармандларга солиқ ва божхона тўловлари борасида яратилган имтиёзлар қўл келаётир. Бу мени кўпроқ изланиш, қадимий анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришга ҳисса қўйишга ундамоқда.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Саримсоқпиез инсон саломатлиги учун фойдали бўлиб, шамоллашга қарши курашиш ва иммун тизимини мустаҳкамлаш хусусиятига эга. У табиий равишда водород сульфиди ишлаб чиқаради. Унинг концентрацияси юқори бўлса, заҳарга айланиши ва организмга сезиларли даражада зарар келтириши мумкин. Шу билан бирга водород сульфиди антиоксидант саналади. У танада қон айланишини яхшилайди ва томирларнинг мўтадиллашишига ёрдам беради.

ЗАРАРЛИ БАКТЕРИЯЛАР КУШАНДАСИ



Саримсоқпиез аллицини ҳужайралар механик зарар кўрганида пайдо бўладиган шамоллаш ва вирусли касалликларни даволашда қўл келади. Қондаги ДНК ҳужайраларига зарар етказувчи ва саратонга олиб келадиган касалликларни ривожлантирувчи

бактерияларни йўқ қилади. Бу компонент организмга вирус тушишига сабаб бўлувчи ферментлар шаклланишининг олдини олади. Ушбу сабзавот таркибидида антитела ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи оқсил мавжуд бўлиб, у организмни салбий таъсирлардан ҳимоялайди.

Саримсоқпиездаги фитонцидлар бактерияларга қарши курашда ва уларнинг кўпайишига йўл қўймайди. Аксарият бактериялар, айниқса, баҳор фаслида фаоллашади, шунинг учун ҳам йилнинг ушбу мавсумида саримсоқпиездан кўпроқ истеъмол қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундан ташқари, қон босими ортганида ҳам унинг самараси катта: қон томирларини кенгайтиради, босимни камайтиради. Зарур натижага эришиш учун кунига 1 дон саримсоқпиездан бир неча ой давомида истеъмол қилиб туриш талаб этилади.

Саримсоқпиез таркибидидаги моддалардан бири — аджоен қоннинг ёпишқоқлигини камайтиради ва тромбоцитлар қуюқлашишининг олдини олади. Бу тромб — қон ивиши эҳтимоллини кескин пасайтиради. Сўнгги изланишлар натижаси саримсоқпиез тромб юзага келишининг олдини олишни кўрсатди. Юрак хуружи ва миёга қон қўйилиши каби ҳолатлар айнан тромб пайдо бўлиши оқибатида рўй беради. Демак, мазкур сабзавот истеъмоли инфаркт ва инсульт касаллигига чалиниш хавфини камайтиради.

Шу ўринда саримсоқпиезнинг айрим зарарли хусусиятларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Унинг таркибидидаги сульфанил-гидросиль иони миёга кириб борувчи ва зарарли оқибатларга олиб келувчи заҳарли модда ҳисобланади. Шунингдек, уни ортиқча вазн тўпланганида, ошқозон, жигар ва буйрак хасталиклари даврида, ҳомиладорлик ва болага кўкрак сүти берилаётганда истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Мазкур сабзавотнинг барча фойдаси яхши этилганидан сўнг юзага чиқади.

М. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Илмий анжуман

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ —
ФОЛЬКЛОР ЗАНЖИРИДА МУҲИМ ҲАЛҚА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Маданият вазирлиги ва Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ҳамкорлигида ўзбек халқ оғзаки ижодида беқиёс ҳисса қўшган бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг 150 йиллигига бағишланган "Эпос ва уни ўрганиш муаммолари" мавзусидаги республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан академик Тўра Мирзаев, профессор Маматқул Жўраев, филология фанлари доктори Шомирза Турдимов ва бошқалар юртимизда халқимизнинг эзгу аънава ва қадриятларини асраб-авайлаш, улардан ёш авлод маънавиятини оқсатиришда фойдаланиш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбек дostonчилик мактабининг асосчиларидан бири бўлган Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди ва фольклор анъаналари ҳақида сўз юритилди.

— Халқ оғзаки ижоди инсоният тарихининг турли тараққиёт босқичларида оғзаки яратилиб, оғзаки равишда авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, бизгача етиб келган ижод маҳсулидир, — дейди юридик фанлар доктори, бахшининг чевараси, шоир Комил Синдорев. — Халқимиз бой маданий меросининг бизгача етиб келишида Эргаш Жуманбулбул ўғли муҳим ҳалқа ҳисобланади. Устоз бахши халқимизнинг асрий орзу-умидлари, уй-хаёллари куйчиси. Унинг ижросидаги "Алпомиш", "Равшан", "Кунтуғмиш" каби дostonлар халқни ёруғ келажақ сари руҳлантириб, озодлик ҳиссини туйишга чорлаган.

Бахши-шоирнинг уй-музейи ҳам бор. Фақат у анча таъмирталаб бўлиб қолган. Ўтган йили "Миллий тикланиш" газетасида бу ҳақда танқидий-тахлилий мақола эълон қилинди. Шундан сўнг уй-музейни таъмирлаш, жоиз бўлса, янги бино қуриш ишлари Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2021 йилги режасига киритилди.

Анжуманда, шунингдек, "Кўрғон дostonчилик мактаби ва Эргаш шоир", "Эргаш Жуманбулбул ўғлининг фольклор архивида сақланаётган асарлари ва уларнинг наشري ҳақида", "Эргаш шоирнинг миллий маънавиятимиздаги ўрни" каби мавзуларда маърузалар тинланди.

Тадбир сўнггида халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро этган бахшилар йиғилганларни фольклорнинг ҳаётбахш сеҳридан баҳраманд этди.

Исломжон ҚўЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналнинг давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган учинчи сони нашрдан чиқди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ —
ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Унда қатор долзарб мавзуларга бағишланган мақолалар ва тадқиқотлар ўрин олган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратовнинг "Истиқлол — миллий ўзгичиликни қайта тиклаш имконини берган улғунма" мақоласида партиянинг халқимиз манфаатларини таъминлаш йўлида олиб бораётган фаолияти, бир қатор лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишлар, уларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти хусусида сўз боради.

"Ҳаракатлар стратегияси ва демократик ҳуқуқий жамият" мавзусидаги мақолада ушбу муҳим дастурий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган. "Ҳаракатлар стратегияси, ўз моҳияти эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ мuddатга мўлжалланган том маънодаги миллий стратегия ҳисобланади", дейилади мақолада.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ахборот-тахлил бўлими мудир АББОС ЮСУФОВнинг "Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда ижтимоий капиталнинг роли" мақоласида давлат бошқарувида ижтимоий капитални ривожлантириш орқали замонавий демократия ва ҳукуматнинг муваффақияти, турли ижтимоий институтлар ва фуқароларнинг давлат атрофида жиқлашиши, аҳолининг кундалик турмуш жараёнида юзага келадиган муаммоларни тез ва самарали бартараф этиш ечимлари ҳақида сўз боради.

"Жамият ва ҳуқуқ" руқидан ўрин олган "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази кичик илмий ходими Гулзода Тешабоевнинг "Инновацион ўзгаришлар шароитида илм-фанга эътибор" мақоласида республикаимизда инновацион ўзгаришлар шароитида илм-фанга берилаётган эътибор, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишининг самарали механизмларини яратиш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Журналнинг ушбу сонидан ўрин олган "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлик кўмитасининг мажлиси", "Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ олий комиссари иштирокидаги илк вебинар" каби туркум мақолаларда ўзаро ҳамкорлик самаралари хусусида сўз боради.

Ушбу сондаги бугуннинг долзарб мавзуларига бағишланган бошқа мақолалар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Нигора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!

Ma'lumot uchun:
(+99871) 150-93-39

WWW.QQB.UZ

Хизматлар лицензияланган.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер КОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗҚОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁЕВ

Бosh муҳаррир: Беҳзод НОРБОВЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида териштирилади ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бosh муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқарди.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Бюро тарма — Г 1016, Адади — 3818. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚўЧҚОРОВ

Навбатчи: Умида УЗОҚОВА

Саҳифаловчи: Жалолдин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топшириш вақти — 23.30. УёА якуни — 22.30



ISSN 2010-7714
9 772010 771003 1 2 3 4 5 6